# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 1 AVGUST, JUMA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№97 (6.622). Sotuvda erkin narxda


## БУГУНГИ СОНДА


ШАХДАМ ҚАДАМЛАР (2-саҳифада)



ИСЛОҲОТЛАР БЕСАМАР КЕТМАЙДИ (1-4- саҳифаларда)

ЮРАГИНИ ОЛДИРГАН ДЕҲҚОНЛАР (1-3-саҳифаларда)


# ПРЕЗИДЕНТНИНГ БУХОРО ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИГА САФАРИ



**БУХОРО, 31 июль. (ЎзА махсус мухбири Ғулом МИРЗО хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 31 июль куни Бухоро вилоятида бўлди.**

Ҳар қандай ободлик кўнгилдан бошланади, деганди Президентимиз Бухоро вилоятига олдинги ташрифи чоғида. Юртбошимизнинг бу галги сафари ҳам Баҳовуддин Нақшбанд зиёратидан бошланди.

Айтиш жоизки, вилоятда бошқа соҳалар қатори тарихимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимиз хотирасини ёд этиб, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Абдулхолиқ Ғиждувоний, Бобойи Самосий, Хўжа Али Ромитаний, Хўжа Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Саид Амир Кулол ва Баҳовуддин Нақшбанд қадамжоларида амалга оширилаётган катта кўламдаги бунёдкорлик ишлари шулар жумласидандир.

Вилоят остонаси - аэропортдан Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳига борадиган катта йўл замонавий талаблар асосида таъмирдан чиқарилди. Эндиликда ойнадек ярақлаб турган, кенглиги 27 метр бўлган мазкур йўл ёқалаб барпо этилган сўлим гулзор, қулай ёритиш тизими кишининг баҳри дилини очади. Қадамжода катта миқёсдаги тиклаш ва таъмирлаш ишлари давом этаётир.

Ислом Каримов ана шу яратувчанлик ишлари билан танишар экан, зиёратгоҳни таъмирлашда Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тарихий қадамжоларни обод этиш борасида орттирилган ибратли тажрибалардан ижодий фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Ҳазрат мақбарасига бориладиган йўлакни саришталаб, икки четига тут дарахтлари экиш, зиёратгоҳ ҳовлисидаги ҳовузни, айвонлар, деворлар, устунлар, дарвозаларни миллий тарихий меъморлик намуналари асосида қайта таъмирлаш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Юртбошимиз XVI асрда барпо этилган, шўролар замонида унутилган, истиқлол йилларидагина эъзоз ва эътибор топган қадимий обида - Чор Бакир меъморий ёдгорлигида ҳам бўлди.

- Афсуски, шундай муҳим тарихий ва маънавий аҳамиятга эга осори-атиқалар ҳақида халқимизнинг аксарияти кўп нарса билмайди, - деди мамлакатимиз раҳбари. - Биз бу ерда мангуга қўним топган азиз-авлиёларимиз хотиралари ҳаққи ана шу ёдгорликка эъзоз ва эҳтиром кўрсатишга бурчлимиз.

Президентимиз мазкур меъморий обида тарихини атрофлича ўрганиш учун тарихчи олимлар, алоқадор ташкилотлар вакилларидан иборат махсус ишчи гуруҳ тузиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Ушбу гуруҳ зиммасига Чор Бакир меъморий ёдгорлиги ва у билан бевосита боғлиқ улуғ зотлар тарихини илмий-тарихий жиҳатдан пухта ўрганиб чиқиш ҳамда шу асосда алоҳида илмий тўплам, шунингдек, фотоальбом яратиш вазифаси юкланди.

- Сафардан мақсадим дала меҳнатчилари, мўл-кўл ҳосил етиштираётган деҳқонларимиз билан юзма-юз, самимий суҳбатлашиш, уларнинг турмуш шароити, қувончу ташвишлари билан имкон қадар яқинроқ танишишдир, - деди Ислом Каримов Вобкент туманининг Ином Наимов номидаги ширкат хўжалиги пудратчилари билан мулоқот пайтида.

Юртбошимиз қишлоқ меҳнат аҳлининг яшаш шароити, турмуши, уларга яратилган шароитлар билан қизиқди. Зотан, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодининг асосий бўғини ҳисобланади.

Ином Наимов номидаги ширкат хўжалиги аъзолари Сожида Бердиева, Азиза Ярашева юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, халқимизга, хусусан, қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбарининг дала меҳнаткашлари билан суҳбати очиқ, самимий, ошкора руҳда ўтди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари бу ерда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг боришини юксак баҳолади.

Дарҳақиқат, вилоятда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ўтган ярим йил давомида иқтисодиётнинг деярли барча соҳалари жадал ривожланди. Вилоят ялпи ички маҳсулоти 4,4 фоиз ўсди. Тадбиркорларга, айниқса, фермерларга банк хизмати кўрсатишни яхшилашга, қулайликлар яратишга қаратилган минибанклар сони ортиб, бугунги кунда 23 тага етди.

Вилоят ғаллакорлари улкан ютуққа эришди. 408 минг тонна дон етиштирилди, ҳосилдорлик 50 центнерга етди. Бу ўтган йилгидан 6 центнер кўпдир.

Айни чоғда далаларда ғўзанинг ривожи яхши. Вилоят миришкорлари бу йил 360 минг тонна пахта йиғиб-териб олишни мўлжаллаган.

Шу билан Юртбошимизнинг Бухоро вилояти бўйлаб сафари якунига етди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига йўл олди.

***

**ҚАРШИ. 31 июль. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Ислом Каримов Қашқадарё вилоятига сафарини Қарши туманидаги «Бешкент» элита уруғчилик хўжалиги аъзолари билан учрашувдан бошлади. Суҳбат чоғида тупроқ унумдорлигини, мелиорация, ирригация, агротехника тадбирларининг самарадорлигини оширишга оид масалалар хусусида сўз борди.**

Хусусан, ғўзага ўғит бериш масаласида атрофлича фикр юритилди. Минерал ўғитлар меъёрида берилса, тупроқ таркиби бузилмаслиги, унумдорлик сақланиши таъкидланди. Бунда маҳаллий ўғитдан фойдаланишнинг афзалликларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қарши тумани С.Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги вакиллари билан учрашувда ҳам қишлоқ хўжалигидаги долзарб вазифалар хусусида гап борди. Деҳқон ҳисоб-китобни пишиқ-пухта қилиб ишласа ютади. Бунда, албатта, пахтанинг навига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримовнинг фикрича, етиштирилган ҳосилнинг камида 70-75 фоизи биринчи навни ташкил этиши керак. Муҳими, пахта тез ва сифатли териб олиниши лозим. Шунда ерга дам бериш, агротехника тадбирларини вақтида ва самарали ўтказиш имконияти анча кенгаяди.

Ислом Каримовнинг таъкидлашича, пахта етиштиришда пировард натижани, яъни даромадни янада кўпайтиришни ўйлаб иш юритиш керак. Чунки эндиликда етиштираётган пахтамиз тўлалигича ўзимизники: ўзимиз сотамиз, ўзимиз фойдасини кўрамиз. Демак, пахтанинг нави ва сифати ҳақида ҳам ўзимиз қайғуришимиз зарур.

Президент Ислом Каримов вилоят фаоллари билан учрашувда Қашқадарёда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, уларнинг натижалари, вилоят меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифалар хусусида суҳбатлашди.

**СУРАТДА:** ташриф пайти.

Д.ЮСУПОВ, С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

### *Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига*

# БАЙРАМ ЯНАДА ЖОЗИБАЛИ ЎТАДИ

***Барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам - Истиқлол айёми тобора яқинлашиб келмоқда. Анъанага кўра юртимиздаги асосий тантаналар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади.***

Шу кунларда бу ерда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий-ижодий гуруҳининг ишлари қизғин тус олган. Таниқли санъаткорлар, режиссёрлар, овоз муҳандислари, либос усталари, рассомлар байрамни янада кўтаринки ва жозибали ўтказиш борасида астойдил ишламоқда.

Байрамни ўтказиш бўйича бош режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидовнинг ЎзА мухбирига маълум қилишича, 31 август куни ўтказилажак катта байрам томошаларида саккиз мингдан зиёд киши қатнашади. Улар орасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ҳамда «Ўзбекрақс» бирлашмалари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, юртимизнинг энг сара ижодий мусиқий, фольклор-этнография, болалар жамоалари, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицей, хореография, мусиқа билим масканлари, санъат мактаблари ўқувчилари бор.

Оммавий саҳналарни яратувчи гуруҳлар шу кунларда «Пахтакор» стадионида репетиция ўтказмоқда. Халқлар дўстлиги саройида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган бадиий жамоалар ўз бадиий дастурлари устида ишламоқда.

Муҳташам «Туркистон» саройида эса байрам тантаналарида янграйдиган эстрада қўшиқлари сараланмоқда. Таъкидлаш жоизки, эстрада блокида санъатимизнинг ёрқин юлдузлари билан бир қаторда мусиқа оламига энди кириб келаётган, ўз услуби ва овозини топиш борасида изланаётган умидли ёшлар ҳам иштирок этади. Овоз ёзиш студияларида шоир ва бастакорлар томонидан байрамга атаб тайёрланган янги куй-қўшиқлар тасмага туширилмоқда.

Майдон шу кунларда гавжумлашган. Қурилиш ва монтаж ишлари айни авжида. Улкан саҳна, томошабинлар учун амфитеатр, ёритиш, овоз кучайтириш ускуналарини ўз вақтида ва пухта ўрнатаётган қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қурилиш ишларига ўнлаб ташкилотлар жалб этилган. «Технолог» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳам шулар жумласидан.

- Салкам ўн минг нафар томошабин учун мўлжалланган амфитеатр қурилиши бир ойда ўз ниҳоясига етай деб қолди,- дейди ушбу жамият директорининг ўринбосари Мурод Аюпов. - Бу ишга эллик нафардан зиёд ходимимиз сафарбар этилган. Майдондаги ёритиш ускуналарини ўрнатишда эса «Тошшаҳарнур» унитар корхонаси ишчи ва хизматчилари жонбозлик кўрсатмоқда.

Сунъий йўлдош орқали жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига тўғридан тўғри узатилувчи улуғвор байрам томошаларида истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимиз сиймоси юксак бадиий воситаларда акс этади.

Бир сўз билан айтганда, бу йилги байрам юртимизда янада серфайз ва жозибали ўтади.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# КЕЛАЖАККА ЙЎЛ



**Бугун юртимиздаги барча олий ўқув юртларида тест имтиҳонлари бўлиб ўтади. Минглаб ғайрат-шижоатли йигит-қизлар жиддий синовдан ўтадилар. Биз уларга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.**

**СУРАТДА: Тошкент молия институтининг бир гуруҳ абитуриентлари.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# СПОРТ – МИЛЛАТ ИФТИХОРИ

***-Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас, сен бир йил олдинги Комил эмассан, йўқ!.. – мўғулистонлик елкаси ерга тегмаган курашчининг кўзларидан шашқатор ёш оқарди.***

1980 йилги Москва олимпиадаси олдидан Руминияда дзю-до бўйича ўтказилган саралаш турнирида Мўғулистон терма жамоасининг машҳур паҳлавони Тсен Домдин ўзбекистонлик полвон Комил Юсуповга ютқазиб қўйган эди. Тсен "Комилни бир йил муқаддам мағлуб этган эдим, ўша курашчи – ўша курашчи-да", деб ўйлаб, ҳаётига татигулик хатога йўл қўйган бўлса, ажабмас. Унинг беписандлиги, яна ҳам аниқроғи, рақибига тўғри баҳо беролмагани армонга айланганди. Чунки улар кураш гиламида бошқа дуч келишмади.

Аммо Домдин Мўғулистон терма жамоаси сафида олимпиадада барибир иштирок этди. Финалда россиялик Николай Салодухинга ютқазиб, кумуш медал совриндори бўлди. У вақтда марказда ўтирганлар кучли бўлган ўзбек полвонидан кўра, олимпиадада ўз одамининг қатнашишини исташарди. Бунинг учун минг хил найрангларни ўйлаб топишарди. Охир-оқибат шу вазнда олимпиада гиламида курашиш Комилга эмас, рус йигити Салодухинга насиб этганди. Олимпия чемпиони бўлган Салодухин эса журналистларнинг "Сиз учун дунёда ноқулай рақиб борми?" деган саволига ҳаяжонини босолмай "Бор, ўзбекистонлик Юсупов билан курашиш мен учун оғир кечади" дея тўғрисини айтганди.

Тақдирни қаранг, Комил Юсупов саралаш турнирини ютиб, олимпиадада қатнаша олмади. Унга таслим бўлган Домдин кумуш медал соҳиби бўлди. Комилга юқори баҳо берган Салодухин эса чемпион!

(Давоми 4-бетда)

**МУАММО**

# ТАДБИРКОР ОЗОР ЧЕКМАСИН

***Шартнома тузилдими, унинг талаблари бажарилиши шарт. У оддийгина қоғоз эмас. Уни шунчаки ҳужжат, деб нописанд қараётганлар эса адашади. Чунки шартнома – қонун.***

Имзо бор, муҳр босилган. Унинг ҳар бир сатри учун жавоб бериш лозим. Шартнома бутун жамоанинг тақдирини ҳал қилади.

"Чаман" - янги хусусий корхоналардан бири. Унинг директори Худоёр Нурматов иш бошлаганида барча юмушлар кўнгилдагидек бўлади, деб умид қилганди. Ахир, у билан ҳамкорлик қилаётган кишилар бўлар-бўлмас ташкилот раҳбарлари эмас-да! Ҳар бири "манаман" деган катта-катта ширкат раҳбарлари. Аммо

Қизириқ туманида "Чаман" хусусий фирмаси бор. Фирманинг асосий вазифаси уруғлик ғаллани саралаш, тозалаш, дорилаш ва халталарга жойлаб беришдан иборат. Айни пайтда фирма турли ташкилотларга транспорт хизмати ҳам кўрсатади. Албатта, ҳар бир иш шартнома асосида бажарилади.

шартнома тузиб, уни бажармаса ҳам бўлаверади, дейдиган бошлиқлар анчамунча учраб туради. Худоёр Нурматов йўл бошидаёқ шундайларга дуч келди.

"Чаман" хусусий фирмаси 2002 йилнинг 23 июнида "Кунчиқиш" ширкат хўжалиги билан шартнома тузди.

(Давоми 2-бетда)

# УСТА ЖОНПЎЛАТ

***"Ойнаи жаҳон"дан, радио орқали гоҳ-гоҳ бериладиган аския пайровларини берилиб тинглайман. Ҳар қандай даврага қаҳқаҳа олиб кириб, файз бағишлайдиган водийлик аскиячиларнинг ижодини ҳам қадрлайман.***

Бухоронинг чекка қишлоқларида яшайдиган, аскияси, пайрови водийлик сўз усталаридан қолишмайдиган кишиларни яқиндан билганим боис уларнинг ҳузурига тез-тез бориб тураман. Кулгунинг меҳригиёси бор, дейдилар. Феъл-атвори табассумга мойил одамларнинг чеҳрасидан нур ёғилади. Туйғулар софлигини, самимийлигини айтмайсизми?! Юрак – бир майдон гулзорнинг ўзгинаси. Бугун мен шу хуморни қумсаб йўлга чиқдим.

**ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР**

Шофиркон-нинг "Маҳалла қози" мавзеидаги сартарош уста Жонпўлатни туманда танимайдиган одам йўқ. Нафақага чиққанлари боис анчагача у кишини учратолмай юргандим. Ўша куни Жонпўлат аканинг шогирди уста Неъматни туман марказида кўриб қолиб, катта устозининг сиҳат-саломатлигини сўрадим.

-Ғужумдай юрибдилар, умри хурсандчилик билан ўтаётган одам қарийдими, - деди Неъмат ака жилмайиб. Фурсатни ғанимат билиб, ўша томон йўл олдик.

Ҳамқишлоқлари устани чойхонадан топишимиз мумкинлигини айтишди. Чойхонага борсак, айвондаги картда гурунг авжида. Навбатдагисига шерик бўлдик.

Уста Жонпўлатнинг қўли сал лат еган чоғи, тухумнинг сариғини суркаб боғлаб қўйган экан.

-Уста, оқшомги курашда такка (тагда - демоқчи) қолганга ўхшайсиз, - деди ўзганлик Саид тоға устадан жўяли жавоб кутиб.

(Давоми 4-бетда)

**ТААССУФ**

# ШИРИН ҚОВУННИНГ ТАХИР ТАШВИШЛАРИ

***Йўлингиз тушганда автомашина ойнасидан бўлса-да, эътибор беринг. Мирзаободдан ўтиб Оқ олтин туманига кираверишдаги ғўзаларнинг бўй-бастига.***

Экин сувсиз, қаровсиз ётгани яққол кўзга ташланади. Ғўзалар бир қарич бўлиб қолган, туп сони кам. Ҳар метрда икки-учта кўчат бор, холос. Пайкалнинг бир чеккасини ўт босган. "Бу ерлар собиқ Тоиров номли хўжаликники", деди ҳамроҳим. Ҳозир бу ерлар фермер хўжаликларига бериб юборилган. Аммо ер қайси фермерга қарашли, буни аниқлаш анчайин қийин, чунки далада одам кўринмайди.

"Сирдарёвилоятсувназорат" инспекцияси бошлиғи Ҳошим Долиев билан икки чақиримлар чамаси юрдик. Сўнг катта йўлнинг чап томонидаги тош йўлга бурилдик. Қуёш тандирдек қиздиради. Йўл чанг, ўйдим-чуқур. Тез орада рўпарамиздан полиз майдонлари чиқди. Иккита юк автомашинаси пайкал орасида турибди. Деҳқонлар техникага тарвуз-қовун ортишаяпти. Ажабланарлиси, полиз майдонида бегона ўт учрамайди. Баъзи қовун пайкалларига занг касали тушганини айтмаса, деҳқон бу экинзорга юрагини, меҳрию бутун эътиборини бергани яққол кўринади. Полизнинг эгасини топиш унчалик қийин бўлмади. Аммо унгача уч-тўрт киши билан учрашдик.

-Ҳорманг, қовун-тарвузнинг ҳосилдорлиги қандай?

-Насибага яраша.

-Қанча жойга экkансизлар?

(Давоми 3-бетда)


## КЕЛГУСИ СОНДА:

ЭКМАСДАН КЕСМАНГ

ПИРОНОТАГА ҚАЙТГАН БЎРИЛАР

ОДАМ ОДАМГА ЎХШАЙДИ...МИ?




## РАҲИМ "ҚОВУНЧИ"

***-Раҳим умри бино бўлиб, қовун экмаган, - дея ҳикоя қилади дўстим Аҳмаджон, - лекин мана тўрт йилдирки, курсдошлари унга "қовунчи", деб мурожаат қилишади. Хайриятки, ўқишини битирар чоғи Раҳим бу "исм"ни ўртоғи Нурбекка "совға" қилиб қутулди...***

Раҳим ўқишни бошлаган биринчи куниданоқ маҳмадоналиги билан ҳамма курсдошларини ўзига қаратди. Унинг муомаласию юриш-туришига деярли ҳамманинг ҳаваси келарди. Бироқ, гоҳида "қовун тушириб" қўядиган одати ҳам бор эди. Шу боис уни "қовунчи", деб аташарди. Раҳим бу "исм"га кўника олмай доим жиғибийрон бўларди.

Сессия имтиҳонларини ёпгач, Раҳим зиёфат берадиган бўлиб қолди. Курсдошлар кенгашдилар. Ўртада пул йиғиб, совға-салом олишди. Эртасига Янгийўл томон отланмоқчи бўлиб, учрашув жойини белгилашди. Шу пайт Нурбек:

-Раҳим ўзи Янгийўлнинг қаерида туради? – деб сўради.

-Қаерида бўларди, Қовунчида туради-да! – деди жиддий оҳангда Шерзод. Бу гапни эшитган курсдошлар кулишдан ўзларини зўрға тийиб қолишди. Ҳамма тарқалди.

Эртасига келишилган вақтда курсдошлар айтилган жойга йиғилишди. Негадир Нурбек келавермади. Уни анчагача кутишди. Ахийри минг бир хижолат билан уйига қўнғироқ қилишди. Нурбекнинг уйидагилар унинг зиёфатга кетганини айтишгач, курсдошлар хотиржам бўлиб йўлга чиқишди.

Уларни Раҳимнинг ўзи кутиб олди. Дастурхон ёзилиб зиёфат бошландиямки, Нурбекдан дарак бўлмади. Вақт алламаҳал бўлиб, зиёфат тугар чоғи эшик тақиллади. Кутилмаганда ҳаллослаганча Нурбек кириб келди-ю, Шерзодга ўшқирди: - Қовунчида уйма-уй юриб, Раҳимни топа олмадим. Ахир у Қовунчида эмас, Мирзабобоевда тураркан-ку?!

Курсдошлар Нурбекнинг Қовунчида "қовун тушириб" юрганидан бохабар бўлишгач, қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Шу воқеадан сўнг Раҳимни эмас, Нурбекни "қовунчи", деб чақирадиган бўлишди.

**Саид РАҲМОНОВ**

## ЖОНИВОРГА ҚИЙИН БЎЛДИ

***-Талабалик даврим эди, - дея гурунгини бошлади ҳамқишлоғим Мурод ака. – Онда-сонда уйга келганингдан кейин рўзғор ишларига ҳам аралашмайсан экан. Мол-ҳол нечта, билмайсан.***

Бир куни ярим тунда онам ширингина уйқумни бузиб, деди:

-Тур, ўғлим, тез чиқ, ҳовлида қандайдир мол юрибди. Тез ҳайдаб юбор. Экинларни еб, адо қилди, қирғин келгур.

Кўзни уқалаб, шошганча ҳовлига чиқдим. Қўлимга кетмон дастадек ёғочни олиб молни қува кетдим. Дарвозадан кўчага чиқардим. Аммо шу заҳотиёқ мол ортимдан ҳовлига қайтиб кирди. Жаҳл устида молни айвонга қамаб, роса савааладим. Бечора сигир девор тирқишига бошини суқди-ю, на олдинга, на орқага юролмай, жойида қотди-қолди. Ўзиям хумордан чиққунча роса савааладим. Ҳовурим пасайгач, эрталаб эгасининг ўзи олиб кетар, дея уйга кириб ётдим.

Тонг саҳар ҳовлида онамнинг дод солиб бақираётганини эшитиб, уйғониб кетдим.

-Вой ўлмасам, ўзимизнинг молни танимапсан, кўзинг қаерда эди, Мурод! Қарасанг бўлмайдими, ер ютгур.

Менга онамнинг гапи қаттиқ таъсир қилди. Қилиб қўйган ишимдан виждоним қийналиб кетди. Айбимни ювиш учун жониворга бир тоғора ем бердим ва гуноҳимни ювган бўлдим. Аммо орадан икки-уч соат вақт ўтгач, сигиримизнинг емга бўкиб қолганлигини эшитиб, баттар эзилдим.

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

## СОДДАЛИКМИ ЁКИ...

***Нима бўлди-ю, Собиржон отасидан қолган тилла соатни сотадиган бўлиб қолди. Отаси бир пайтлар Қофқоздан олиб келган соатнинг таърифи чор-атрофга ёйилганди. Ён қўшниси Олим ака бу гапдан хабар топиб Собиржонникига югурди. Хуллас, анча-мунча савдолашишгач, битта нархга келишишди.***

-Мен ҳозир пулни олиб чиқаман, - деди савдодан кўнгли тўлган Олим ака ўрнидан қўзғаларкан.

Кўп ўтмай Собиржоннинг синфдош қўшниси Жўрабек келиб қолди. Салом-аликдан сўнг:

-Отангдан қолган тилла соатни сотмоқчи эмишсан, - дея сўради Жўрабек.

-Ҳа, пул зарур бўп қолди. Олим ака оладиган бўлди. Ҳозир пулни опчиқади.

-Чакки қипсан, - бош чайқади ошнаси, - пул зарур бўлса, ўзим бериб турардим. Отангдан қолган бебаҳо ёдгорликни сотишга қандай ҳаддинг сиғди. Иложи бўлса...

-Сотма, демоқчимисан!

-Ҳа, отанг раҳматли бу соатни ҳеч кимга ишонмасди. Доим чўнтагида олиб юрарди... Отангни босган изини ҳам излаб тополмайсан энди... Пул керак бўлса мен бериб тураман. Топсанг қайтарарсан.

Шу пайт бир даста пул кўтариб, Олим ака кириб келди. Жўрабек билан бош ирғаб сўрашган бўлди.

-Соатни сотмайман, - деб қолди Собиржон тўсатдан.

-И-и, лафз нима бўлди, Собиржон. Ахир, ҳозиргина...

-Йў-ўқ. Манави келди-ю, мени бир пасда айнитди-қўйди, - деди Жўрабекни кўрсатиб. – Э, хуллас, сотмайман-да!

Олим ака Жўрабекка еб қўйгудай тикилди:

-Одам деган бунақа ғаламислик қилмайди, ука, - деди тишларини ғижирлатиб.

Жўрабек эса оғайнисига надомат билан қараб қўйди-ю, индамай чиқиб кетди.

**Рустам ЖАББОРОВ**

## ДЕВОНАНИ ҲАММА ТАНИЙДИ

***-Қишлоғимизда Девона деган бир чўпон яшайди, - дея гурунг беради Ориф ота. - Ўзиям сал дўлвори, содда одам. Аммо жуда бой... Қўй-қўзисию мол-йилқисининг кўплигини айтмайсизми...***

Хуллас, шу Девонанинг "ГАЗ-31"га ишқи тушиб қопти. Бир куни ярим кечаси эшигимни тақиллатиб келибди. "Ҳа", десам, "Шундоқ, шундоқ, эртага сиз билан бирга Самарқанддаги мошин бозорга тушиб келайлик", дейди. Йўқ деёлмадим. Тонг саҳардан бозорга жўнадик. Юрибмиз, ҳамманинг кўзи бизда. Бири оддийгина кийинган, бирининг эса яланғоч баданини йиртиқ-ямоқ чопон тўсиб турган икки одамнинг қўлларида уяли телефон тутиб, қора кўзойнаги ортидан харидорларга беписанд боқадиган бойваччалардан мошинанинг нархини сўраб юриши қизиқ кўринган бўлса керак-да, Девонаям ўзига етганча экан, ҳали у, ҳали бу мойи артилмаган мошиналарди нархини билгиси келарди. Қўйиб берсанг, "тишини кўриб, ёшини биламан", дейдиган ҳоли бор. Туртиниб-суртиниб, бир "ГАЗ-31"га харидор бўлдик.

-Сенда ўзи пул борми, - дейди мошинди эгаси ишонқирамай. – Ёки тонгда олган хайр-садақангга ишониб келдингми?

-Бўладиганини айт, - данғалига кўчди Девона чўпон.

-Ўн миллион... – оғзига келган нархни қайтармади сотувчи.

-Беш миллионга берсанг, оламан, - ўзича савдолашди чўпон.

Сотувчи йигит ёнидагиларга ағрайиб қараб қолди. Сўнг:

-Ие, бу девона экан-ку, - деди ҳам ҳайратланиб, ҳам кулгиси қистаб, – Беш миллионга берсам олармиш...

Йигитлар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди. Чўпон эса менинг енгимдан тутиб, қулоғимга шивирлади:

-Булар мени қаердан танир экан-а?

-Ҳа, энди сиз катта чўпон бўлсангиз, сизни танимай ўлибдими булар... – дедим сир бой бермай.

Ўша куни мошин ололмаган бўлсак ҳам, бир ажойиб ҳангомани ошириб келдик... Шу-шу чўпон мени қаерда кўрса, "биласиз-а, мени Самарқандда ҳам яхши танишади..." деб кўксига муштлаб қўяди. "Ахир, девонани ким ҳам танимайди", дейман мен ҳам уни мақтаб ...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# ҚАЛДИРҒОЧЛАР

***Фуқароларимизда ҳарбий хизматга муносабат ўзгарди. Эндиликда "армияга бораман", деган ёшлар талайгина. Муддатли ҳарбий хизматни бир йил этиб белгиланиши, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг жорий этилганлигини ҳарбий соҳадаги оламшумул янгиликдир, дея баҳолаш мумкин.***

Бу йилги баҳорги чақирувдан бошлаб хизматнинг янги тури – сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ҳам йигитлар олина бошланди. Улар бир ой давомида ҳарбийлик малакасини эгаллайди. Яқинда ана шу хизматни ўтаган наманганлик 150 нафар аскарлар иштирокида ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди. Вилоятнинг йирик туманларидан бири - Попда ўтказилган ушбу тадбирда иштирок этиш учун аскарларнинг ота-оналари, ҳарбийлар, II жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлар тўпланишди.

Айниқса, ота-оналарнинг қувонганини айтмайсизми? Ўғилларига ярашган ҳарбий кийимларга ҳавас билан боқишарди. Юзларида қувонч, шодлик акс этиб турибди.

-Янги хизматнинг жорий этилиши армияга боролмай юрган йигитларга жуда қўл келди, - дейди Наманган шаҳридан келган Тожимирза Давлатов. - Ўғлим шаҳардаги фирмалардан бирида ишлайди. Бугун Рустамжонни кўриб, ўзимда йўқ қувондим. Ўғлим чинакам ҳарбийларга ўхшабди.

-Ўғлим хизмат қилаётган қисмда бўлганимда, очиғи, у ерда яратилган шарт-шароитларни кўриб, мамнун бўлдим, - дейди туманнинг Хўжаобод қишлоғида яшовчи Карима Саидова. – Фарзандим Шавкат Абдуназаров янги хизмат жорий этилмасдан аввал армияга бораман, дерди. Бироқ, муддатли ҳарбий хизматга аскарларни олиш чегаралангани боис ҳар сафар умиди пучга чиқарди. Янги хизмат пайдо бўлгач, мана орзуси ушалди...

-Бугун йигитларнинг кайфияти жуда аъло, - дейди Н-ҳарбий қисмнинг тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосари, подполковник Ашураҳмат Қодиров, - негаки, улар янги хизматнинг

**ЖАРАЁН**

биринчи қалдирғочлари. Қисқа вақт мобайнида аскарлар етарли ҳарбий билим ва кўникмани эгаллашди. Менимча, ҳарбийликнинг сир-асрорларини ўрганиш учун мана шу бир ой етарли.

Попдаги ҳарбийлар тадбирида Ўзбекистон Республикасининг Шарқий округ қўмондони, генерал - майор Қосимжон Аҳмедовни учратдик.

-Президентимиз миллий армиямизни кўп сонли аскарлар ҳисобига тўлдириш эмас, балки унинг ихчам, малакали, кучли жанговор тайёргарликка эга бўлишига бежиз эътибор қаратмаяптилар, - дейди генерал-майор. – Бугунги тадбир ҳам ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг бир намунаси. Сафарбарлик чақирувидаги хизматни ўтаган йигитлар муддатли ҳарбий хизматда бўлган йигитлар билан деярли тенг ҳуқуққа эга. Улар ҳарбий соҳада ишлашлари мумкин...

Аскарлар ичида биринчи бўлиб Наманган шаҳридан сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилган Аъзам Қосимов она-Ватанга, Президентга содиқ бўлишга, мамлакатни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёрлигини билдириб, қасамёд қабул қилди. Унга ҳарбий гувоҳномани тантаналарда иштирок этиш учун ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Қодир Ғуломов топширди. Сўнгра вилоятнинг барча туманларидан янги хизматга чақирилган аскарлар ҳам ҳарбий қасамёд қабул қилишди.

- Янги хизмат тури бизга жуда ёқди, - дейди Аъзам Қосимов. - Қисқа фурсатда ҳарбийлик сир-асрорларини ўзлаштирдик. Ҳарбий қисмда ҳамма шароитларни бекаму-кўст яратиб беришди. Хизматдан қайтгач, ички ишларда ишламоқчиман...

Сафда дадил қадам ташлаб бораётган аскарларга бизнинг ҳам ҳавасимиз келди. Улар Мустақил Ўзбекистоннинг ишончли қалқонларидирлар. Посбонларимиз бор экан, кўнглимиз тўқ, хотиржаммиз. Забардаст, билаги кучга тўлган аскарларимиз доим омон бўлишсин! Оқ йўл сизларга, янги хизматнинг биринчи қалдирғочлари!

**О.НОМОЗОВ,**
**Б.ТУРДАЛИЕВ.**





## МАҲСУЛОТЛАР ХОРИЖГА

**Қўрғонтепа туманидаги Дардоғ қишлоғида уч йилдан бери сутни қайта ишловчи цех фаолият кўрсатмоқда. Алижон Аҳмедов бошчилик қилаётган «Оқ-сув» наслчилик фермер хўжалигига қарашли мазкур цех Туркиядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Унда асосан қишлоқ ёшлари меҳнат қилади.**

**Ҳозир бу ерда 7 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Шу йилнинг ўзида 110 тоннадан ортиқ сутни қайта ишлашга эришган жамоа ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилишни бошлади.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Цех ишчиси Иброҳим Аҳмедов. 2. Тайёр маҳсулотлар.**

**Б.АКРАМОВ**
**олган суратлар.**

**ДАВР**

## БОЗОРИ ЧАҚҚОН МОЛЛАР

***"Самжинтекс" Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси чеварлари тикаётган бир-биридан нафис ва бежирим ички кийимлар, майка, футболка, эркаклар кўйлаклари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорини топмоқда.***

Жомбойнинг бир қишлоғида тайёрланган маҳсулотлар Туркия, Россия, Украина, Белоруссия, шунингдек қатор Европа давлатларига экспорт қилинаётир.

Корхона бир кеча-кундузда 10 миллион сўмгача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, айни пайтда бу ерда Самарқандда ўтадиган "Универсиада – 2004" спорт ўйинларига бағишлаб, янги либослар намунасини яратиш устида ҳам жиддий изланиш олиб борилаяпти.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**Самарқанд вилояти.**

# ЖИНОЯТЧИ КИМ?

***Инсон нима сабабдан жиноят содир қилади? Жиноятнинг бутунлай олдини олиш мумкинми?Бу каби саволлар қадимдан инсониятнинг зиёли қатламини ўйлантириб келган. Инглиз файласуфи Томас Мор "жиноятчиликнинг олдини олиш учун шу жамият аъзолари турмуш тарзини яхшилаш, жиноятчиларга бағрикенглик ва инсонийликни намоён қилиш керак", деган ғояни илгари суради.***

Хўш, унда нима учун АҚШ, Япония каби ривожланган давлатларда ҳам жиноятчилик мавжуд? Айрим мутафаккирлар эса бу муаммоларнинг ечимини жамиятда қонунларнинг мукаммал тарзда яратилишида, деган қарорга келишган. Зеро, қонун чиқарувчи орган ўзини табиий ҳодисаларни тадқиқ қилувчи куч, деб билиши керак. У қонунларни ясамайди, кашф қилмайди, балки фақат таърифлаб, қонунларда маънавий муносабатларнинг ички асосларини ифодалаб беради, холос. Ҳеч ким ўзи ўйлаб чиқарган тўқималари билан ишнинг ҳақиқий моҳиятини алмаштирмаслиги керак, деганда файласуф мутлоқ ҳақ бўлган.

**МУШОҲАДА**

Амалиётчи ҳуқуқшунос сифатида жиноят содир қилган шахслар билан доимий равишда мулоқотда бўлишга тўғри келади. Уларнинг хусусиятларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки, шахс хусусиятини таҳлил қилмай туриб, содир этилган жиноятнинг моҳиятини очиб бўлмайди. Айрим жиноят содир қилган шахслар, бу ишга иқтисодий қийинчилик ва ишсизликни асосий сабаб қилиб кўрсатишади. Нега унда иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ, бошқаларга нисбатан яхши яшайдиган одамлар ва уларнинг фарзандлари ҳам жиноятга қўл уришади? Ёхуд инсон жиноятчи бўлиб туғилиши ҳам мумкинми? Фуқаро А.Фозилов носоғлом оилада тарбия олиб, 1974 йилда бир фуқарога оғир тан жароҳати етказганлиги ва безорилик қилгани учун 2 йилга, 1978 йилда яна бир кишига оғир тан жароҳати етказганлиги учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. А.Фозилов 1980-1995 йилларда 2 марта ўғирлик содир қилгани учун судланган. 2002 йилнинг апрел ойида гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят содир қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 270, 276-моддалари билан судланиб, 3,5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. 1960 йилда туғилган Х.Маракаевнинг ҳаёт йўли эса бундан ҳам "рангбаранг". У 1980 йилдан 2002 йилга қадар 5 марта ўғирлик жиноятини содир қилиб судланган. 2002 йилни ўзида эса 3 марта вагонларни эҳтиёт қисмларини ўғирлаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қизиғи шундаки, бу тоифадаги жиноятчилар ҳамиша айбни ўзидан эмас, жамиятдан ахтаришган. Ўзлари эса ҳеч қачон бирон-бир фойдали иш билан шуғулланишмаган. Оила қурмаган ва фарзандлар тарбиясидан йироқ бўлган. Умри бино бўлиб бировга яхшилик қилмаган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ахир, нега жазо ўзининг тарбиявий ролини бажара олмади? Бир неча марта жиноят содир қилган шахслар ҳам амнистия акти асосида ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жазодан озод қилинган эди-ку? Маҳкумлар озодликка чиққач, уларга давлат томонидан моддий ва маънавий ёрдам берилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чиққан. Ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан бу қарорлар ижро қилиб борилмоқда. Асосийси, жамиятимизда жиноятлар қанча кам содир этилса, жиноятчилар қанча кам бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди. Бунинг учун барчамиз ҳамкорликда курашмоғимиз, бир-биримизга эътиборли, меҳр-мурувватли бўлмоғимиз керак. Бу борадаги ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар кенг жамоатчилик ёрдамига таянади.

**А.ОМОНОВ,**
**Ховос транспорт прокурори,**
**адлия кичик маслаҳатчиси.**

# "ЭКСКУРСАВОД" БИЗДА ЎҚИМАЙДИ

***"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2003 йил 11 июлда чоп этилган "Экскурсавод" сарлавҳали ҳангома Хива Туризм касб-ҳунар коллежи педагоглар жамоасида катта қизиқиш уйғотди.***

Ҳангома барча педагоглар, ўқувчилар орасида ўқиб эшиттирилди ва муҳокама қилинди. Айниқса, бўлғуси экскурсаводлар, меҳмонхона ва ресторан ходимлари меҳмонлар билан ишлаганда, экскурсия ўтказганда, хизмат кўрсатганда давлат тили қонун-қоидаларига қатъий эътибор беришлари кераклиги тушунтирилди.

**АКС-САДО**

Жамоамиз аъзолари "Қишлоқ ҳаёти" газетасини севиб ўқишади. Чунки аксарият ўқувчилар қишлоқ ҳудудида яшайдилар. Унда чоп этилаётган қатор қизиқарли мақолалар эътиборимизни жалб қилиб келмоқда.

Шу билан бирга "Экскурсавод" ҳангомасини ўрганиш давомида шу нарса аниқландики, Хивадаги Туризм касб-ҳунар коллежи 2002-2003 ўқув йилида ташкил қилинган бўлиб, унда фақат биринчи курс талабалари мавжуд. Биринчи курсда эса амалиёт режалаштирилмаган. Қолаверса, мақолада тилга олинган Нодира исмли қиз коллеж талабалари рўйхатида йўқ.

Шунга қарамасдан юқорида айтганимиздек, ушбу мақола бизнинг ишимизга ижобий таъсир қилганлигидан мамнунмиз.

**П.ОТАЖОНОВ,**
**Хива Туризм касб-ҳунар коллежи директори.**

**ХАБАР**

***Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.Йиғилиш кун тартибида республика прокуратураси органларининг мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2003 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти якунлари муҳокама этилди.***

## ТАЛАБЧАНЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Ҳайъат мажлисида 2003 йилнинг биринчи ярмида қонунлар ижроси устидан ўтказилган 7 мингдан ортиқ текшириш натижаларига кўра 90 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, мансабдор шахсларнинг 7 мингга яқин ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатлари прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилингани, етказилган моддий зарарнинг 1,5 млрд. сўми ва 15590 АҚШ доллари айбдор шахслар томонидан ихтиёрий тўланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун вазирликлар, идоралар ва корхоналар раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2,2 млрд. сўм иш ҳақларининг тўланиши ҳамда бу соҳада қонунбузилишларга йўл қўйган 2 мингдан ортиқ мансабдор шахсларнинг интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланганига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг сони бир мунча ошган бўлса-да, оғир ва ўта оғир жиноятлар, шунингдек қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, талончилик, босқинчилик, товламачилик каби жиноятларнинг кескин камайишига эришилди.

Бош прокуратуранинг тегишли тармоқ раҳбарларига жойлардаги прокурорлар билан биргаликда прокурор назоратининг барча соҳаларида мавжуд камчиликларни яна бир бор таҳлил қилиб, вазиятни яхшилашга қаратилган тегишли тадбирларни амалга ошириш, қуйи прокуратураларга нисбатан талабчанликни кучайтириш топширилди.

**Ўзбекитон Республикаси Бош прокуратураси матбуот маркази**

# ТАДБИРКОР ОЗОР ЧЕКМАСИН

(Боши 1-бетда)

Унга кўра хўжалик 141 тонна бошоқли дон уруғини фирмага келтиради.Фирма ўз заводида уруғлик донни саралаб, калибровка қилиб, дорилаб, халталаб хўжаликка қайтаради. Дон қайта ишланганидан сўнг икки ой ичида тегирмон ҳақи фирма ҳисобига ўтказилиши лозим эди.

Фирма шартномага тўлиқ амал қилди. Хўжалик-чи? Келишмовчилик шундан чиқди. "Кунчиқиш" хўжалиги 141 тонна буғдойни давлат андозалари талабига мос ҳолда олиб кетди. Хизмат ҳақи 5 миллион 787 минг 690 сўм миқдорида белгиланди. Шартномадаги муддат ўтиб кетди. Бироқ хўжалик пулни тўлай демайди. Фирма бошлиғи нима қилсин?! Бугун бўлмаса, эрта тўлайди, деб кутиб ўтиравершнми?! Йўқ. Тадбиркор одам бундай бепарво қараб туролмайди. Чора қидиради. Ахир, пулни ундириш керак. Қарийб 6 миллион сўм-а!

Худоёр Нурматовнинг тоқати тугади. "Кунчиқиш" хўжалигига қатнай бошлади. Раисга учрашди. "Албатта ўтказиб берамиз", деб ваъда берди. Аммо пулдан нишон йўқ. Фирма бошлиғининг куйинишлари, тушунтиришлари хўжалик бошлиғини заррача қайғуртирмади.

"Чаман" хусусий фирмаси бошлиғи Худоёр Нурматов охири қатъий карорга келди. Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғига ариза билан мурожаат қилди: "Шартномага асосан "Кунчиқиш" ширкат хўжалигига уруғлик дон тайёрлаб берганман. Бунинг учун пул ўтказиб бериш кўзда тутилганди. Хўжалик ҳозирча бир сўм ҳам тўлаган эмас. Қонуний ҳаққимни ундириб беришда амалий ёрдам кўрсатсангиз".

Худоёр Нурматовнинг қўлидаги барча ҳужжатлар ўрганиб чиқилди. Хўжалик хусусий фирмадан қарздор. Тўлов муддатидан 214 кун ўтган. Пеня ва жарималарни ҳам қўшиб ҳисобланса, жами қарз 9 миллион 549 минг 690 сўмни ташкил этади. Вилоят Адлия Бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорининг 7-банди, вилоят Адлия Бошқармасининг "Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Низомнинг 7-бандини қўллаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Шу йил 22 май куни Қизириқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида вилоят хўжалик судининг сайёр суд мажлиси бўлди. Унда мазкур масала атрофлича ва чуқур таҳлил қилинди. Ҳар икки томоннинг фикри эшитилди. Тадбиркор мардлик қилди. У 5 миллион 787 минг 690 сўм асосий қарз ва 500000 сўм пеняни ундириб беришни, даъвонинг қолган қисмини рад этишни сўради. Жавобгар вакили И.Рустамов даъвони қисман тан олиб, даъвогарга асосий қарзни ва пеня тўлаб беришни билдирди. Хўжалик суди "Чаман" хусусий фирмасига "Кунчиқиш" ширкат хўжалигидан 6 миллион 287 минг 690 сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

-Шу ўринда икки савол кишини ўйлантиради, - дейди Сурхондарё вилояти Адлия Бошқармаси етакчи мутахассиси С.Каримов. - Биринчиси, тадбиркор нега шунча сарсон-саргардон бўлди? Иккинчи савол: хўжалик нега катта миқдорда пеня тўлашга мажбур бўлди?

Бу борада айрим ҳолатлар ҳам кишини ташвишга солади. Тадбиркорнинг аҳволини тушуниш лозим. Бошоқли дон уруғини саралайдиган корхона вилоятда битта - "Чаман". Уям ҳали янги. Фирмани ташкил этиш, заводни қуриш ва ишлатишнинг қанчадан-қанча харажатлари, юмушлари, югур-югурлари бор. Устига-устак тадбиркор шартномадаги буюртмачи талабларини бажарса-ю, хизмат ҳақини ололмаса. Ишбилармон халқи танти келади. Эҳтимол, "Кунчиқиш" хўжалигининг битта ўзи қарз бермай, "отангга бор, онангга бор" қилганида, тадбиркор тишини тишига қўйиб чидаган бўларди. Аммо, фирмани оғир аҳволга солиб, қийнаган хўжаликлар қанча эканлигини биласизми? Уларни бир санаб кўрайлик.

Охунбобоев номли ширкат хўжалиги "Чаман" хусусий фирмасидан уруғлик донни қайта ишлаб бергани учун асосий қарзи 1 миллион 917 минг 993 сўм, пеня - 400000 сўм, жами 2 миллион 317 минг 993 сўм. Транспорт хизмати учун эса 537858 сўм қарздор.

"Гиламбоб" ширкат хўжалиги: транспорт хизматидан 1 миллион 174 минг сўм, уруғлик донни қайта ишлашдан 1 миллион 650000 сўм;

Ҳ.Эшонов номли ширкат хўжалиги транспорт хизматидан 205960 сўм;

"Янги йўл" ширкат хўжалиги уруғлик донни қайта ишлашдан 1 миллион 52 минг сўм;

"Қизириқ" ширкат хўжалиги уруғлик донни қайта ишлашдан жами 4 миллион 864 минг сўм;

транспорт хизматидан 748 минг сўм;

"Истиқлол" ширкат хўжалигидан эса 1 миллион 800 минг сўм қарздор.

Энди тасаввур қилинг, бундай шароитда "Чаман" хусусий фирмаси қандай иш юритсин?! Ишчи-хизматчиларга қаердан ойлик тўласин? Завод учун эҳтиёт қисмларни қаердан топсин? Корхонани янги мавсумга тайёрлаш масаласи-чи? Яна қанча харажатлар. Барчасига маблағ керак. Қарздор хўжаликлар эса "Имкон бўлмаса, хўжалик ҳисобида пул бўлмаса, биз нима қилайлик, ахир?", деб юраверишса.

Юқоридаги барча қарзларни ундириш юзасидан вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари қабул қилинди. Тадбиркор енгил нафас олди. Энди "Чаман" хусусий фирмасида ишлар юришиб кетиши аниқ.

Такрор айтамиз, шартнома – қонун. Уни бажармаган бошлиқнинг боши хам бўлиб қолаверади. С.Каримовнинг айтишича, тадбиркорлар ночор ҳолда қолганда, вилоят Адлия бошқармаси Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимига мурожаат қилаяптилар ва доимий ёрдам олаяптилар. Демак, шартномага имзо чекаётган ҳар бир раҳбар, унинг масъулиятини ҳис қилиши шарт.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# ПУЛИНГИЗНИ БАНКДА САҚЛАНГ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига кўра аҳолидан пул маблағларини омонатларга жалб қилиш фаолияти фақат Марказий банк берган лицензияга асосан амалга оширилишини маълум қилади.**

Шунингдек, Марказий банк лицензиясига эга бўлган ҳар бир тижорат банки Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялашни кафолатлаш фондига аъзо бўлади ва ушбу банкларда омонатларга қўйилган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунига асосан мазкур фонд томонидан кафолатланади.

Бироқ, кейинги вақтларда республикада юқори фоизли фойда ваъда қилиб, турли шубҳали “бизнес-лойиҳалар”га кенг аҳоли қатламларидан маблағларни, шу жумладан хорижий валюталарни жалб этиш орқали молиявий фирибгарликка қўл уриш ҳоллари учраб турибди. Оқибатда республикамизнинг кўп фуқаролари ўз маблағларига куйиб қолиши мумкин.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аҳоли омонатларини Марказий банкнинг тегишли лицензиясига эга бўлган қуйидаги банклар қабул қилиши мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтади:

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**

**Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки**

**“Асака” давлат акциядорлик-тижорат банки**

**“Замин” акциядорлик ипотека банки**

**Ўзбекистон акциядорлик уй-жой жамғарма банки “Ўзуйжойжамғармабанк”**

**Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки**

**Акциядорлик-тижорат “Пахта Банк”**

**Акциядорлик-тижорат банки “Ғаллабанк”**

**“Турон” акциядорлик-тижорат банки**

**“Тадбиркор” акциядорлик-тижорат банки**

**“Савдогар” савдо ва тижоратга кўмаклашувчи акциядорлик тижорат банки**

**“Алоқабанк” акциядорлик-тижорат банки**

**“Трастбанк” акциядорлик биржа банки**

**“Ипак йўли” акциядорлик инновация тижорат банки**

**“Авиабанк” акциядорлик-тижорат банки**

**“Ҳамкорбанк” акциядорлик-тижорат банки**

**“Парвина-банк” хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Алп Жамол банк” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Туркистон” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат инвестиция банки**

**“Давр-банк” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Истиқбол банк” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Ўктамбек” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Бизнес банк” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Самарқанд” хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Универсал банк” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Капитал” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“Равнақ-банк” хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки**

**“ЎзДЭУ банк” Ўзбекистон – Корея қўшма банки**

**Ўзбек – Турк қўшма банки “ЎТ-банк”**

**“АБН АМРО банк Ўзбекистон МБ ҳиссадорлик жамияти”**

**“Ўзприватбанк” приватизация ва инвестиция бўйича халқаро банки**

**Эрон “Содерот” банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки матбуот
хизмати

ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

# ЭРКИН МЕҲНАТ СУРУРИ

***-Назокатхон, нима учун фермер хўжалигингизга “Шавкатбек” деб ном қўйгансизлар?***

***-Бунинг сабабини изоҳлаш учун бирмунча кенгроқ тўхталишга тўғри келади. Энг кенжа ўғлимизнинг исми – Шавкатбек. У юртимиз Истиқлолга эришганидан кейин орадан беш-олти ой ўтгач дунёга келган.***



Хонадонимиз, қишлоғимиз, вилоятимиз, бутун мамлакатимизнинг шон-шавкатли кунлари умрбоқий бўлсин, деган ниятда фарзандимизга шундай ном бергандик. Ўғлимиз бошқа кўпгина тенгдошлари қатори Истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлаяпти. Мустақиллик барча қатори деҳқонларга ҳам эркинлик берди, ҳар бир ишни ўз хоҳиш-иродаси билан бажариши учун шароит яратди. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиб, деҳқон ернинг ҳақиқий соҳиби бўлди, мулкка эгалик қила бошлади. Ана шундай ёруғликка Мустақилликка эришилгандан сўнг чиқилганлигини, кенжа фарзандимиз у билан тенгдош эканлигини назарда тутиб фермер хўжалигимизга “Шавкатбек” номини берганмиз.

Оққўрғон туманидаги “Озод” ширкати ҳудудида фаолият кўрсатаётган ушбу фермер хўжалиги раҳбари Назокат Жалолова билан суҳбатимиз асносида юқоридаги мазмунда савол-жавоб бўлганлиги бежиз эмас. Зотан, мулоқотимиз давомида барча гап-сўзлар Мустақиллик мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига чин маънода озодлик берганлигига, эркин меҳнат шукуҳи ва нашидасидан деҳқонлар ҳам тўла-тўкис баҳраманд бўлаётганлигига бориб тақалаверди. Айни шу фермер хўжалиги фаолияти ҳам буйруқбозлик, тазйиқ ва бошқа нохуш ҳолатлардан ҳоли иш юритиш қандай натижалар беришини яққол кўрсатиб турибди.

Назокат Жалолованинг фермер хўжалиги ташкил этиб, деҳқончилик билан шуғулланиши ҳар жиҳатдан асосга эга. У 1983 йили Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатганидан сўнг қарийб 20 йил давомида хўжаликда энтимолог сифатида фаолият кўрсатиб, ҳашаротларга қарши курашнинг биологик усулини қўллашга катта ҳисса қўшди. Хўжалик биолабораторияси қошида ўқиш ташкил этиб, нафақат Оққўрғондан, балки Тошкент вилоятининг бошқа туманларидан келган йигит-қизларни трихограмма, габробракон ва бошқа фойдали ҳашаротларни кўпайтириб, далаларга чиқариб қўйиш сингари юмушларни кунт билан ўргатди. Ўтган давр мобайнида юздан ортиқ шогирд тайёрлади. Фермерлик ҳаракати авж олгач, у мустақил равишда ишлаб, ташкилотчилик қобилиятини янада тўлароқ намоён қилишни ихтиёр этди. 2000 йили дастлаб 10 гектар ер олиб, фермер хўжалиги деҳқонлари билан 40,2 центнердан пахта етиштиришга муваффақ бўлишди. 2001 йилда ҳам у экин майдонларини кенгайтиришга шошилмади. Чунки кўп ер олиб, ҳосилдорлик юқори бўлмаса, бундан на фермер хўжалигига, на давлатга наф тегади. Ўша йили қарийб 41 центнердан оқ олтин хирмони кўтаришга муваффақ бўлишди. Икки йил ишлаб, маълум даражада тажриба тўплангандан кейингина фермер экин майдонларини кенгайтириш юзасидан туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат этди. Унинг ташкилотчилиги, эришаётган иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобга олиниб, 2002 йили жами 75 гектар суғориладиган, 20 гектар лалми ер ажратилди. Ўша йили суғориладиган майдонларнинг барчасида пахта етиштирилиб, 262,5 тонна қимматбаҳо хом ашё сотилди. Кузда 30 гектар ерга ғалла экилиб, барча агротехника тадбирлари ўз муддатида, сифатли бажарилди. Шунинг эвазига бу йил режадаги 78 тонна ўрнига 81 тонна буғдой сотилди. Етиштирилган ғалланинг умумий миқдори 165 тоннани ташкил этди. Фермер хўжалиги тасарруфида қолган 84 тонна ризқ-рўзнинг 35 тоннаси жамоа аъзоларига иш ҳақи сифатида берилди.

-Яхши эслайман, - дея 15-20 йил аввалги ҳолатни хотирлайди тадбиркор. - Ўша пайтларда бригадир ёки табелчи уйма-уй юриб одамларни ишга чақириб кетар, агар бир-икки нафар колхозчи ишга чиқмаса, қайта келишга мажбур бўларди. Фермер хўжалигимизда бунга ҳеч ҳам ҳожат йўқ. Еримиз 10 гектар бўлган пайтда 6-7 киши ишлаган бўлса, экин майдонларимиз 95 гектарга етгач, ишловчилар сони 20 кишидан ошди. Улар моддий жиҳатдан доимий равишда рағбатлантириб борилаётганликлари туфайли ҳар бир киши ўз ишини билиб қилади. Маҳкам Мамарасулов, Алижон Холмирзаев, Холмат Тўйчиев сингари механизаторларимиз битта ҳайдов - “Алтай”, қатор ораларига ишлов берадиган иккита “МТ-80”, шунингдек, транспорт трактори сингари техника воситаларини моҳирлик билан бошқариб, доимо юқори унумдорликка эришмоқдалар. Ёдгор Эшматов, Убайдулла Йўлчиев, Шавкат Қўчқоров, Зарбулла Ғаффоров каби сувчиларимиз ҳам ўз касбларига меҳр қўйишган. Улар иш ҳақини ўз вақтида олишаётганлиги, давлат буюртмасидан ортиқча пахта ҳосили учун бериладиган ўсимлик ёғи, чорва моллари учун кунжара, шелуха сингари озуқалар адолатли тақсимланаётганлиги, бу йил эса уйлари ғаллага тўлганлиги туфайли ҳар бир юмушни кўнгилдагидек бажаришга интилишади. Улар ширкат ва фермер хўжалигидаги шарт-шароитларни доим солиштириб, бизда моддий манфаатдорлик юқори эканлигига ишонч ҳосил қилишади.

Фермер хўжалигида ишлар ўнгидан келаётганлигида оила аъзоларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунончи, Назокат Жалолованинг қайнотаси – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, I гуруҳ ногирони Ўлжабой ота Жалолов тадбиркорларнинг доимий маслаҳатчиси. Уни ҳамиша фермер хўжалиги миришкорларига йўл-йўриқ бераётганда учратасиз. Тажрибали деҳқон Умрзоқ Алибоев, Дилшод Қўчқоровлар ҳам жамоа ютуғига муносиб улуш қўшишмоқда. Фермер хўжалиги раҳбарининг умр йўлдоши Шуҳрат Жалолов халқ хўжалиги институтини тугатган малакали мутахассис. Шунинг учун ҳам у ҳисоб-китоб ишларининг пишиқ-пухта бўлишига масъул. Лутфулла Жалолов эса иш бошқарувчиси сифатида барча юмушларнинг ўз муддатида адо этилишини таъминламоқда.

Худди ҳаёт каби даладаги ишларни ҳам чархпалакка, тегирмонга қиёс этиш мумкин. Ғалла ўрим-йиғими якунлангач, бутун диққат-эътибор ғўза парваришига қаратилди. 42 гектар ердан кузда 110 тоннадан ошириб хирмон кўтариш учун ўсимлик етарлича озиқлантирилмоқда, ҳашаротларга қарши курашиляпти. Бу борада Назокат Жалолованинг ўзига хос тажрибаси бор. Шунинг учун ҳам ҳосил кушандаси – кўсак қурти кўпайишига йўл қўйилмади.

-Боя гап орасида муаммолар ҳақида сўрагандингиз, – деб суҳбатни давом эттирди фермер. – Юқори ҳосил олиш, қийинчиликларни бартараф этиб боришнинг ўзи бўлмаяпти. Баъзан тўсиқларни енгиб ўтишга, янгиликларга ғов бўладиган айрим амалдорларга қарши боришга тўғри келади. Мен кўпроқ долзарб муаммолар ҳақида гапиришни хуш кўраман. Шулардан бири йирик коллектор ва зовур тармоқларининг йилдан-йилга лойқага тўлиб, оқава сувларни чиқариб юборишга қурби етмай қолаётганлигидир. Бунинг натижасида ерлар шўрланади, ҳосилдорлик пасаяди. Бу муаммони ҳал этиш учун кучларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Яъни давлат томонидан ажратиладиган, шунингдек, ширкат ва фермер хўжаликлари маблағларини жамлаган ҳолда хўжаликлараро коллектор ва зовур тармоқларини тозалаш йўлга қўйилса, барчага катта нафи тегади. Яна бир мулоҳаза: кейинги икки йилда буғдой етиштириш кўпайиб, унга бўлган талаб-эҳтиёж қондирилди. Эндиликда бундай ноз-неъматни узоқ йиллар давомида яхши сақлаш, шунингдек, бошоқли доннинг бошқа турларини етиштиришни кўпайтириш кун тартибига қўйилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда арпа етиштиришни бирмунча кўпайтириш ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди шекилли.

Бугунги кунимиз тадбиркори - фермер ўйлаяпти, иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилаш хусусида мушоҳада юритмоқда. Унинг мулкдор эканлиги, ўз ишидан кўнгли тўқ, эркин меҳнат сururидан хушнуд эканлиги истиқбол сари дадил одимлашга ундаяпти.

**С.САЙДАЛИЕВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**
**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## БУШ: САДДАМНИ ТОПАМИЗ, “АЛ-ҚОИДА”НИ ТУГАТАМИЗ

***Оқ уйда оммавий ахборот воситалари билан матбуот анжумани ўтказган АҚШ президенти Жорж Буш Ироқ, Яқин Шарқ, Шимолий Корея, терроризм ва мамлакатнинг ички масалаларига тўхталди.***




Аввало, Ироқ масаласига эътибор қаратган кичик Буш ушбу мамлакатда ҳаёт нормаллашгунга қадар Америка аскарлари шу тупроқда туришларини маълум қилди. Ва Саддам Ҳусайннинг ҳибсга олиниши ёки йўқ қилиниши борасида берилган саволга қуйидагича жавоб берди: “Биз ишонарли манбалар асосида собиқ диктаторни изламоқдамиз. Умид қиламанки, биз Саддамни ҳибсга олиш борасида кечаги кунга нисбатан бугун унга яқин турибмиз”. Шунингдек, президент Буш Ироқда оммавий қирғин қуроллари топилишига ҳам ишонч билдирган. Чунки, Қўшма Штатлар ихтиёрида етарлича маълумотлар бор. Фақат улар вақт талаб қиладиган омил. Бундан ташқари, Оқ уй раҳбари 2003 йил 29 январдаги Конгресс олдида чиқиш қилган йиллик ҳисоботида айтилган ҳар бир сўзи учун ўзи жавоб беришини билдирган. Ёдга олсак, ОАВда Бушнинг ўша маърузасида Ироқнинг Нигериядан уран моддалари сотиб олганлиги ҳақида хабарлар тилга олинган эди. Яқин Шарқ масаласига тўхталган Жорж Буш Вашингтон Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббосга керагича ёрдам беражагини айтди. Ҳатто сиёсий стратегия ишлаб чиқишда ҳам. “Бугун Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилишига умид қилса бўлади”, деди Буш. Халқаро ҳамжамият олдида турган энг жиддий муаммо – терроризм борасида эса Буш жаноблари ўз фикрини қуйидагича баён қилган: “Бизда “Ал-Қоида”нинг янги хуружлари бўйича разведка маълумотлари бор. Лекин у қачон ва қаерда террор актларини амалга оширади бу бизга қоронғу. Аммо, биз барча хуружларнинг олдини олишда бор имкониятларимизни ишга соламиз. Америка “Ал-Қоида”ни тугатишда давом этади”.

## БОШҚАРУВ КЕНГАШИ РАҲБАРИ САЙЛАНДИ

***Американинг Ироқдаги фуқаролик маъмурияти раҳбари Пол Бремер иштирокида бўлиб ўтган муваққат Бошқарув Кенгаши йиғилишида эндиликда мазкур Кенгашга Иброҳим ал-Жафари бошчилик қилишига келишиб олинди.***



Ал-Жафари олдин мухолифатдаги шиалар партиясида матбуот котиби бўлиб ишлаган эди. Ҳозирга қадар Кенгашга ким раҳбарлик қилиши бўйича келиша олмаган унинг 25 аъзоси, ниҳоят алфавит бўйича ҳар бир аъзо 1 ой муддатдан бошчилик қилишига рози бўлганлар. Ушбу ой аввалида ташкил топган Бошқарув Кенгаши ҳукумат аъзоларини тайинлаш ва озод этиш ваколатига эга. Шунингдек, мамлакатнинг янги демократик тамойилларга асосланган бош қомусини ишлаб чиқиш ҳам Кенгаш зиммасида.

## ЭКСПЕРТЛАР МОНРОВИЯГА КЕЛДИЛАР

***АҚШ, Буюк Британия ва Африка давлатлари ҳарбийларидан иборат гуруҳ Либерияга келган.***



Мақсад фуқаролар уруши давом этаётган бу мамлакатда тинчликпарвар кучларни жойлаштириш масалаларини ўрганишдир. Айни пайтда Вашингтон БМТ Хавфсизлик Кенгашига Либерияга тинчликпарвар кучлар киритиш бўйича резолюция лойиҳасини тақдим этган. Ўз навбатида Кофи Аннан ҳам тўқнашувлар давом этишига қарамасдан Либерияга халқаро кучлар киритилиши кераклигини Хавфсизлик Кенгашидан сўраган. Монровияда юз бераётган тўқнашувлар чоғида тинч аҳолидан ҳам қурбонлар берилмоқда.

## ПЕРУ ЯПОНИЯДАН ФУХИМОРИНИ СЎРАМОҚДА

***Перу ҳукумати ўзининг собиқ президенти, ҳозирда Япониядан паноҳ топган Альберто Фухиморининг берилишини (экстрадиция) расмий Токиодан сўрамоқда.***



Гарчи Япония ва Перу ўртасида жиноятчиларни экстрадиция қилиш бўйича шартнома имзоланмаган бўлса-да, лекин, расмий Лима Токио унинг талабини қондиришига умид билдирмоқда. Перу ҳукумати Фухимори қилмишларига дахлдор 700 саҳифалик жиноят иши ҳужжатларини расмий Токиога тақдим этган. Расмий Лиманинг фикрича, собиқ президент ўз даврида одамларни ўлдириб юборган, хусусан 1990 йиллар бошида у Перу партизанларини оммавий қириб юборишда иштирок этганлик ва коррупцияда айбланган. Ўзига қўйилган айбловларни рад этган Фухимори ҳозирда Япония фуқароси саналади.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# КАСАЛЛИККА ҚАРШИ ДАСТУР

***Тошкентда АҚШнинг “LAND O Laves” ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси, “Ўзгўштсутсаноат” акциядорлик уюшмаси ҳамкорлигида “Озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқиши мумкин бўлган касалликларга қарши кураш” мавзуида семинар ўтказилди.***

"LAND O Laves"АҚШдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи йирик компания ҳисобланади. Юртимизда синов тариқасидаги “Мактаб озиқ-овқат дастури” амалга оширилди. Дастурга мувофиқ АҚШ қишлоқ хўжалик департаментидан олинган қуруқ сут қайта ишланиб, Фарғона водийси мактабларига етказиб берилди. Мактаб бошланғич синф болалари витаминга бой сут ва печениелар билан таъминланди. Дастур Қашқадарё , Сурхондарё ва Фарғона водийси мактабларида амалга оширилди . Ҳозирда навбатдаги лойиҳа юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Мазкур дастурга мувофиқ келтирилган қуруқ сутни қайта ишлаш "Ўзгўштсутсаноат" давлат акциядорлик уюшмаси тизимидаги корхоналар томонидан амалга оширилади. Семинарда таклиф этилган сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари вакилларига иш жараёнида хавфсизликнинг таҳлили юзасидан фикр мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш борасида тренинг машғулотлар ҳам ўтказилди.

**“Туркистон-пресс”**

# ШИРИН ҚОВУННИНГ ТАХИР ТАШВИШЛАРИ

**(Боши 1-бетда)**

Бу саволимиздан томорқа эгалари ҳадиксираб қолишди. Исмларини ҳам айтишмади. “Озгина юринглар, тутлар соясида “Ташкенский” номерли “Нексия” турибди, шуни эгасидан сўранглар”, дейишди. Бордик, деҳқонларнинг сардори Эргаш Бердиёров билан учрашдик. Норғул йигит қуёшнинг тиғида меҳнат қилиб чиниққани шундоққина кўриниб турибди.

-Қовун етиштириш жону дилим, - дейди деҳқон. – 7 гектарга экдим бу йил.

-Тарвуз ҳам борми?

-Камроқ, эллик сотих жойда, ишчилар ейди, келди-кетди учун Ҳосили яхши бўлди. Голландиянинг “Нитца” нави-да. Катта-катта бўлиб пишган.

-Фойдаси зўрдир-да, - дея ҳавас билан “Нексия”га қараб қўйдик.

-Меҳнат қилган одам бугун қайси соҳада бўлмасин барака топаяпти. Аммо деҳқонники лотереяга ўхшаб қолди. Айниқса, тарвуз-қовун экса... Нолимайман, 15 йилдан буён шу иш билан машғул бўлиб, либосим эскиргани йўқ. Аммо бу йил тарвуз-қовун жуда арзон бўлиб кетди. Россия, Қозоғистонга олиб чиқолмаяпмиз.

-Нега?

-Йўлни кўриб турибсиз-ку?

-Унда маҳсулотни қаерга сотаяпсиз? Автомашиналар борми?

-Уловнинг бари хусусий. 20 минг берсак Гулистонга, 40 минг сўм берсак Тошкентга элтади. Бир автомашинага эса 900-1000 дона тарвуз ё қовун кетади. Албатта, маҳсулотнинг катта-кичиклигига қараб. Гулистон-ку ўзимизники, аммо Тошкентнинг йўриғи бошқа. Боргач, бозорга кириш азоб. Мавзеларнинг ичига сотиш учун рухсат керак. Шу боис олибсотарларга донасини 150-200 сўмдан топшириб келамиз.

-Харажатни қоплаяптими?

-Ҳозирча айтиш қийин. Аммо бу йил фойданинг баракаси учадиганга ўхшайди. Чунки бир гектар ер учун тахминан 800 минг сўм харажат қилдик. Сув, ўғит, техника, турли текшир-текширлар, кутилмаган меҳмонларни кутиш... Э-э, сўраманг. Ҳали барча ҳосилни йиғиштириб олгунимизча тағин сарфлаймиз. Чунки пахтакору ғаллакорга нисбатан ўгаймизда бу ерга.

У бироз ўйланиб қолди.

-Яхшиси ёзманг. Яхшиям деманг, ёмон ҳам. Унинг ўрнига тарвуздан татиб кўринг.

Деҳқон билан шолча устига ўтирволиб тарвуздан татиб кўрдик. Мазаси ёмон эмас.

-Ширин экан, ери зўрми дейманда.

-Э-э, сўраманг. Баҳорда келганингизда пайкалнинг аҳволини кўриб қўрқиб кетардингиз. Шўранинг қуриган танаси одам бўйи денг, қишдаям ётиб қолмаган. Қамишини асти сўраманг. Булдозер билан сурдириб, шудгор қилдик. Қарангки, бегона ўт туфайли ўтган йил ғалласи ҳам ўроқсиз қолиб кетган экан. Экскаваторчини бир ой боқдик, зовурни чуқурроқ ковласин деб. Шундан сўнг кетмонга зўр бериб, қовун-тарвуз экканман. Ука, мен гоҳида ўйланиб қоламан. Ҳамма ишимиз ошкора бўлса, яхши эмасми? Айтайлик, мен тарвуз экмоқчиман. Ерлар очиқ савдода бўлса. Фалон дала шунча пул, бу пайкал бунча сўм дегандай. Мен ерни танлаб, гектарига икки юз мингми, уч юз минг сўмними - айтганини давлатнинг кассасига тўласаму ишни бошласам, даламга ҳеч ким нега бу экинни экаяпсан, деб дағдаға билан йўламаса. Сўнг сув ўлчоқ билан, ўғит дўкон орқали олинса. Ўғирлик қилиб кимдандир ҳадиксираб маҳсулот олиш кимга зарур? Ахир, миннатли нон юқмайди-да одамга.

-Ҳозир қандай...

-Э-э...

Деҳқон асабий ҳолатда ўрнидан туриб кетди. Сездикки, энди у билан суҳбатлашиб бўлмайди.

Оқ олтин туманидаги қовун бозорига ҳам бордик. Харидору сотувчилар унчалик кўп эмас.

-Кўпчилик маҳсулотини вилоят марказига, Тошкентга олиб кетаяпти-да, - дейди ўзини бозоркомнинг муовини дея таништирган Улуғбек деган йигит. – Шароитимиз ёмон эмас. Жой катта йўлнинг ёқасида, икки вилоят чегарасида. Бу ёғи Оқ олтин, бу ёғи Мирзачўл тумани. Шу боис ҳадемай бозор янада гавжум бўлади. Насиб этса, Мустақиллик байрами арафасида қовун сайли ҳам ўтказмоқчимиз.

Бозорчада қовунларнинг тури билан қизиқдик. Афсуски, қовун-тарвузларнинг тури тўрт-бештадан ошмайди. Бир пайтлар етти иқлимга машҳур бўлган неча ўн хил Сирдарё қовунлари, тарвузларини учратмайсиз. Сабабини сотувчилардан сўрадик ҳам. Кимдир елка қисди, кимдир индамади. Бир оқсоқол деҳқон эса шундай деди:

-Деҳқонлар юрагини олдириб қўйишган, болам. Қовун-тарвуз экканни ўтган йиллар кўп қувғин қилишди. Қонуний шартнома остида эккан ҳам, ўғринча полизчиликка қўл урганга ҳам ўгайлик билан қаралди. Сиз турини айтасиз, шунча маҳсулотнинг бозорга келганини айтмайсиз. Тағин жуда арзон. Донаси 100-120 сўм. Кўтара савдо қилсангиз, бир машинасини 80000-90000 сўмга оласиз. Деҳқоннинг ҳалиям юраги очиқ, қўли қадоғу пешонаси метин...

Бобо шу бозорда ўтган йил вилоятнинг собиқ “катта”си бир деҳқонни қамчи билан урганини ҳам айтди.

-Деҳқонни калтаклаган вилоятдан барака, насиба қочмайдими, болам? Сирдарёда раҳбар ўзгарган. Катта ишлар қилаяпти, деб эшитаман. Менимча, бу масалада ҳам энди сал тош-тарозини бошқачароқ, бозорга мосроқ қўйиш керак. Ана шунда полизчи ҳайрон, пахтазор вайрон бўлмайди...

Қайтаётганимда Ҳошим ака бир гап айтиб қолди.

-Дунё қизиқ-да. Бояги полиз майдонларига пахта экилиб, ғўзаси бир қарич бўлиб ётса, ҳеч ким эътибор бермасди. Айбни ерга ағдарарди. Ўтган йил шундай бўлганди. Бугунги қовунзор ўн центнердан ҳам пахта бермаган. Зарарни асти сўраманг. Бундай жой эпақа келтирилиб, полиз экилса-чи? Текширувчи дегани ёпирилиб келиб, деҳқонни тинч қўймайди. Қизиқ ҳол-а. Менимча, шунақа жойларни мардлик қилиб деҳқонга бериб, икки йил фойдалан, сўнг гектаридан 30 центнердан пахта топширасан, дейилса бўлмасмикин?..

Ўйланиб қолдик. Балки бу гапларда жон бордир.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

**ХИТОЙ ТЕГИРМОНЛАРИ ВА ЖУВОЗЛАРИ СОТИЛАДИ**
Хитойда ишлаб чиқарилган ун, гуруч тегирмонлари, зиғир, масхар, писта, кунжут жувозлари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари сотилади. Манзил: Тошкент, Юнусобод-18, 37-уй, 26-хонадон. Тел: 8(371) 182-49-22; 8(3712) 22-24-74.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги хусусий тадбиркор Ёриев Рустам Адҳамович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан катта терговчи Тошев Улуғбек Алишерович номига берилган ТШ № 0010-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан иш ўрганувчи Разоқов Жаҳонгир Мўминжонович номига берилган ТШ № 413-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 144-мактаб томонидан 1987 йил 27 июнда Комилов Аброр Аҳмаджоновичга берилган Д № 320977-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
**КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ**
*“Ёғмойтамакисаноат” уюшмасининг “МТ Инвест-Импэкс” фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасидан келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.**

**Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққатига!**
*“Ёғмойтамакисаноат” уюшмаси таркибидаги Қўқон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги*
**EFFEKTIV OIL**
ҳорижий корхонаси чекланмаган миқдорда
**МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКларини**
СОТИБ ОЛАДИ
Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласизлар.
Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
**Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53**
**Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83**
**Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.**




(Боши 1-бетда)

Ҳаётнинг энг аламли кунлари ўшанда бошланганди. Олимпиада Тсен учун эмас, ўзбек ўғлони учун умрбод армон бўлиб қолди.

Бухоро вилояти Қоракўл туманининг чекка "Қораун" қишлоғида туғилган Комил отаси, боболари курашчи бўлишгани боис, миллий курашга иштиёқи баланд эди. У болалигиданоқ албатта курашчи бўламан, дерди. Етти ака-ука бўш вақт топилди дегунча бир-бирларининг куч-қудратини синовдан ўтказишарди. Падари бузруквори Турсунбой ота фарзандларини ҳам спортда, ҳам ҳаётда ҳалолликка ўргатган одам. У пайтлар қишлоқда тўй, шодиёналар курашсиз ўтмасди. Турсунбой отанинг етти ўғли менман деган полвонларнинг елкасини ерга теккизган.

Ҳали мактабда ўқиб юрган чоғларида Комил туман ва вилоятда уюштирилган мусобақаларда шоҳсупанинг энг юқори поғоналарини забт этарди. Ундаги истеъдод, қобилият катта мураббийлар эътиборидан четда қолмади, албатта. Қорачадан келган бу чайир йигит республикамиз миқёсида ўтказилган турнирларда ҳам тенгсиз эканлигини кўрсатди. Кейинчалик у Москва, Курск, София, Бухарест, Боку шаҳарларида самбо бўйича собиқ иттифоқ ҳамда нуфузли халқаро турнирларнинг ғолиби бўлиб, халқаро спорт устаси нормативини бажаради.

Ўшанда ҳамқишлоқлари уни ҳар сафар еру кўкка ишонмай, тантана билан кутиб олишарди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири, 80-йилларнинг бошларида Комил катта ареналарда кетма-кет шуҳрат қозонди, спортчининг қадри эса фақат мустақиллик йилларида ўз ўрнини топди. Президентимиз илк бор ўн нафар спортчи учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи" унвонини таъсис этиб, Фармон қабул қилганларида уларнинг орасида Комил Юсупов ҳам бор эди.

Эски тузумнинг кўп адолатсизликларини бошидан кечирган полвонимизнинг олимпиада армони юртимиз истиқлолга эришгач, яна орзуга айланди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий саъй-ҳаракатлари билан курашимиз ер юзининг чекка ўлкаларигача кириб бораётган бўлса, шу миллий спортимизнинг бутун қоидаларини Комил Юсупов ишлаб чиққанини ҳали кўпчилик билмаса керак. Бунинг замирида тинимсиз меҳнат ётибди. Унинг янги ва ягона орзуси ўзи етолмаган олимпиадага курашимизни олиб чиқишдир.

Ҳа, кўкрагига озодлик шабадаси текканидан бағоят шодланган, қадриятларимизни дунёга ёйишда Юртбошимизнинг кўрсатмаларини оғишмай амалга ошираётган, айниқса, ўзбек курашининг жаҳон бўйлаб қанот қоқишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган Комил Юсупов айни пайтда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

**-Комил ака, мўғулистонлик курашчи Тсен Домдин билан гиламда учрашиш насиб этмаган экан, ҳаётда-чи?**

-Кейинчалик Тсен билан яқин дўст бўлиб қолдик. Ажойиб инсон. Ҳозир ўз мамлакатида ўзбек кураши федерациясининг президенти ҳисобланади. Тез-тез учрашиб турамиз.

**-Айтинг-чи, Ўзбекистон спортининг жаҳон аренасидаги бугунги мавқеи қандай? Бизда унинг қайси турлари ривожланиб, қайсилари оқсамоқда?**

-Мустақил Ўзбекистон борйўғи 12 ёшга тўляпти. Шу орада футболчиларимиз Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. Бокс, теннис, шоҳмот, гимнастика, курашнинг эркин, юнон-рум турлари бўйича ном чиқарди. Дунёга янги-янги чемпионларни тақдим этдик. Айни пайтда спорт соҳасида ҳам ислоҳотлар кетяпти. Ўзгаришлар сезиларли, бирдан ярқ этиб кўзга ташланиши ниҳоятда қийин. Ҳали волейбол, баскетбол, сув спорти, енгил атлетика ва оғир атлетика, бадминтон, камондан отиш сингари спорт турлари бўйича қиладиган ишларимиз мўл. Масалан, камондан отиш бизга бегона эмас, аждодларимиздан мерос қолган, дейиш мумкин. Таъкидлашим керакки, ушбу спорт турларини ривожлантириш учун мамлакатимизда имкониятлар етарли.

**-Ўзбек курашининг оламшумул ривожи ҳар биримизни ғурурлантиради. Дунё бўйлаб тан олинишига қадар у қандай йўлни босиб ўтган, қанақа тўсиқларга дуч келган? Умуман, курашимизни қачон олимпия ўйинлари қаторида кўришимиз мумкин?**

-Агар спорт нуқтаи назаридан курраи заминга назар солсангиз, Англия ўзининг футболи, Корея – таэквандоси, Хитой – у-шуси, Япония – дзю-до, каратэси билан фахрланади. Ўзбек курашининг биз номини яхши билмаган узоқ-узоқ мамлакатларда ҳам оммавийлашаётгани, ўзбекча сўзларнинг хорижий тилларда жаранглаши кимни мағрурлантирмайди, дейсиз. Буларнинг ҳаммаси авваламбор мустақиллик, қолаверса, Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолиги шарофатидандир.

Очиғи, шўролар даврида бизнинг курашимизга жуда паст назар билан қарашган, буни шунчаки ўзбекларга хос халқ ўйини деб ҳисоблашган. Илгари ҳам Ўзбекистонда курашни кўтариш учун ҳаракатлар бўлган, албатта. Аммо маънавиятимизни, мафкурамизни "қолипланганлар" бунга йўл беришмаган, тўйларда, сайлларда оёқланг олишиб юраверишсин, дея кулганлар ҳам бўлган.

Замонанинг зайлини қарангки, курашимизнинг бугунги юксак мавқеи, беш қитъани забт этаётгани ҳаттоки ўша "оға"ларимизни ҳам лол қолдираётир. Ҳозир 70 та мамлакатда ўзбек кураши федерациялари очилган. Курашимиз яқин келажакда олимпия ўйинлари сафидан ўрин олишига шубҳа йўқ.

**-Яқинда Таиландда бокс бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида терма жамоамиз жуда бўш қатнашди. Кўпчилик бунинг сабабини мураббийлар алмашуви билан боғлашмоқда?**

-Ёдингизда бўлса, футбол бўйича сўнгги жаҳон чемпионатида француз термаси ҳатто битта дурангга ҳам эришолмай, чемпионликни бой берганди. Французларни ҳам қитъа, ҳам дунё ғолиблигига олиб борган мураббийининг қўлидан ҳеч нарса келмади. Спорт ўзи шунақа. Боксчиларимизнинг бу муваффақиятсизлигидан ваҳима ясаш шартмикин? Ҳозирги мураббийлар ҳам жуда тажрибали. Қолаверса, спортда энг олий мақсад – олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришиш ҳисобланади. Боксчиларимиз нималарга қодир эканлигини ҳали кўрсатишади,албатта.

**-Ҳозирги пайтда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор беріляпти. Мана шу кенг кўламли ишда қўмитанинг ўрни қандай бўлаётир?**

-Президентимизнинг бу ташаббуси замирида теран маъно бор. Зотан, спорт бу – миллат, давлат ифтихоридир. Болалар спортини ривожлантириш узоқни ўйлаб бошланган, бир неча авлодларга етказилиши керак бўлган ишдир. Ҳозирги авлод, айниқса, кейинги келадиган авлодлар ҳар томонлама бақувват, соғлом бўлиши лозим. Ана шунда инсон маънавий етук бўлиб, янада теран фикрлайди.

Бугун биз катта, мураккаб ишга қўл урмоқдамиз. Ҳамманинг спортчи бўлиши шарт эмас. Аммо жисмоний машқлар билан шуғулланиш, ҳафтада камида икки марта бадан тарбия машқлари қилиб туриш ҳар бир фуқаро саломатлиги учун кони фойдадир. Қўмитанинг ўрни масаласига келсак, бу борадаги барча ишларга биз масъулмиз.

**-Катта спорт билан болалар спорти орасида узилиш бордек.**

-Тўғри англабсиз. Хорижда ҳар бир спорт турининг ўз федерацияси бор. Ана шу федерация ўз спортининг катта-кичикми бутун увол-савобига жавоб беради. Бизда ҳам 61 та федерация мавжуд. Уларнинг аксариятининг фаолиятини тубдан ўзгартириш керак. Баъзи федерацияларни аввало ўзини такомиллаштириб, сўнгра у болалар спорти бўладими, хорижий турнирларда иштирок этиш бўладими, ҳамма ваколатларини бериб, масъулиятини оширишимиз лозим.

**-Юртимизда спортни тарғиб қилиш яхши йўлга қўйилмоқда. Аммо, спорт қўлланмалари борасида танқислик бордек, назаримизда.**

-Жуда ўринли савол. Шу пайтгача умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дарслари дарҳақиқат ўқув қўлланмаларисиз ўтилиб келинмоқда. Қўлланмаларнинг ўзи йўқ. Ҳозирги талаб эса айтганингиздек, мана шу заруратни тақозо этаётир. Президентимиз ҳам айнан спорт фани ва спорт канали масалалари юзасидан қанчадан-қанча зарур таклифларни билдирдилар. Ҳозир ҳукумат қошида тузилган махсус комиссия бу борада иш олиб боряпти. Муаммо яқин келажакда ҳал этилади. Бундан ташқари, аксарият ривожланган хорижий мамлакатларда алоҳида спорт телеканаллари мавжуд. Бизда ҳам бўлади бу. Айниқса, шу каналнинг очилишидан умидларимиз катта.

**-Қишлоқ спортини шакллантиришда кадрлар етишмаётгандек.**

-Фикрингизга қўшиламан. Бугунги кунда спортга жиддий эътибор берилаётган экан, нафақат таълим тизимига, хўжаликларга, маҳаллаларга ҳам ҳақиқий мутахассислар керак. Бизда захира бор. Олий маълумотга эга бўлган мутахассисларимиз бошқа соҳаларда омадини қидириб юришибди. Уларни қайтаришимиз лозим. Шунингдек, спортга меҳр қўйган мураббийлар тайёрлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

**-Спорт баҳсларида ноҳақликни кўрсангиз, қандай аҳволга тушасиз?**

-Ноҳақликни кўтаролмайман. Ўзингиз ўйланг, бир спортчи эрталаб 2-3 соат машқ қилса 1,5-2 килограмм тер тўкади. Кечқурун ҳам шундай. Энди айтинг-чи, қайси соҳада ким шунчалик оғир меҳнат қилади? Юқорида айтганимдек, шўролар даврида умримга татийдиган, доимо азоб берадиган адолатсизликларни кўп кўрганман. Шу туфайли мураббийга, спортчиларга нисбатан ғирромлик содир бўлса, мутасадди ходимларни йиғиб, жиддий муҳокама қиламиз, бундай ҳолатлар бошқа такрорланмаслиги учун бор имкониятларни ишга солишга интиляпмиз.

**-Масъулиятли вазифада ишлаб турибсиз. Иш устида ўтирган пайтингизда баъзан курашга тушиб кетгингиз келадими?**

-(кулади). Жуда. Аммо вақт йўқ.

**-Демак, курашдан узоқлашибсиз-да?**

-Асло. Машғулотларни тўхтатганим йўқ. Қишлоғимга бориб қолганимда акаларим дарҳол гиламга таклиф этишади.

**-Сўнгги саволим: Ўзбекистон спортининг эртанги кунини қандай тасаввур этасиз?**

-Спортимизнинг келажаги порлоқ. Бунга шак-шубҳа йўқ. Ҳозирги ислоҳотлар бесамар кетмайди. Одамларнинг дунёқараши, спортга бўлган муносабати ўзгараяпти. Осиё қитъасида Хитой, Япония, Корея сингари давлатлар спортчилари қаторида жаҳонда менман деган жамоага муносиб рақиб пайдо бўлади. Ўзбекистон спорти гуллабяшнаб, юртимиз ҳақиқий спорт мамлакатига айланади. Бунга чин дилдан ишонаман.

**Суҳбатдош:**
**Мақсуд АКРАМОВ.**

# SPORT OLAMIDA

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

***Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида республика бадминтон федерациясининг олти ойлик иш якунлари ҳамда келгуси режаларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда иштирок этганлар юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан бадминтонга берилаётган эътибор ҳамда мазкур спорт турининг бугунги кундаги аҳволи ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари хусусида сўз юритишди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Мутахассис ва мураббийларнинг таклифига кўра, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Ботир Убайдуллаев Республика бадминтон федерацияси президенти, Ўзбекистон Маънавият ва маърифат Кенгаши раҳбари Қуддус Аъзамов эса вице-президенти этиб сайландилар.

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК

***Сентябр ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш мақсадида Германия терма жамоаси вакиллари пойтахтимизга ташриф буюришди.***

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуида ҳар икки мамлакат полвонлари иштирокида ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Етти вазн тоифасида ўтган муросасиз баҳслар ўзбекистонлик полвонларнинг 5:3 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланган бўлса-да, германияликлар билан кечган беллашувлар ўзбек полвонлари учун осон кечмади. Дастлаб 55 килограмм вазнда баҳсларни бошлаб берган Адҳам Очилов ва Василий Цаеглар бор маҳоратларини ишга солишган бўлса-да, баҳсда Адҳамнинг қўли баланд келди. Шунингдек, 60, 66 килограмм вазнларда гиламга тушган ҳамюртларимиз Дилшод Мансуров ва Пўлат Ўразимбетовлар ҳам рақиблари Марио Кох ҳамда Релер Энгельвардларни осонликча мағлуб эта олишди. 74 килограмм вазнда Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпиони Александр Лайнольдга рўбарў келган ҳамюртимиз Александр Захаров тажриба ва маҳорат етишмаслиги сабаб енгилган бўлса, 84 килограмм вазнли полвонлар жангида яна бир вакилимиз Вазген Осинов Андрей Баклаузга имкониятни бой берди. 96 килограмм вазнли курашчилар беллашувида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиб гиламга тушган Магомед Ибрагимовга чинакамига омад кулиб боқди. Сабаби ўзидан анча тажрибали полвон Ченгиз Чакичини 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, терма жамоамизнинг умумий ҳисобидаги ғалабасига муносиб улуш қўшди. Энг оғир вазнлилар тоифасида кураш олиб борган Мансур Мирзаев ва Мариус Хамман баҳсида омад меҳмонлар тарафда бўлган бўлса, Олимпиада ўйинлари кумуш медали совриндори Артур Таймазов номдор полвон, Европа чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори "Жаҳон Кубоги – 2003" соҳиби, Свен Тиле курагини ерга текказиб, Мансур Мирзаев мағлубияти ўчини олди. Германиялик полвонлар 9 августгача мамлакатимизда бўлишади ва ҳали кўпгина полвонларимиз билан гиламга тушишади.

## БЕЛБОҒЛИ КУРАШ ЧЕМПИОНАТИ

***Поп туманидаги "Дўстлик" ўйингоҳида юртимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 100 нафарга яқин полвонлар етти вазн тоифасида ғолиблик учун муросасиз баҳс олиб боришди. Ҳаяжонли дамларга бой, қизиқарли ўтган беллашувларда 60 килограмм вазнда Рустам Умаров, 66 килограмм вазнда Собир Мирзадавлатов, 73 килограмм вазнли полвонлар баҳсида Валишер Каримов, 81 килограмм вазнлилар орасида Улуғбек Маматов, 90 килограмм вазнли полвонлар баҳсида Нуриддин Ғозиев, энг оғир 100 килограмм вазнгача бўлган полвонлар беллашувида эса Анвар Абдумўминовлар рақибларидан кучли эканликларини исботлашди ва Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритишди.

## ФАРҲОДНИНГ РЕЙТИНГИ КЎТАРИЛДИ

***Ҳозирда профессионал бокснинг WBA йўналишида тўққизинчи ўринда бораётган ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров навбатдаги рейтинг жангини филлипинлик Цезар Агли билан ўтказди.***

Шуни таъкидлаш жоизки, 8 раунд давом этган беллашувда ҳамюртимизнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Чунки дастлаб оддий усулларда бошланган жанг кейинчалик кучли зарбалар билан ўтиб, бу борада маҳорат, чаққонлигу эпчиллик ҳамда рақибига аниқ зарбалар беришда ҳамюртимизнинг қўли баланд келди. Сўнгги раундда эса ҳолдан тойган филлипинлик чарм қўлқоп устаси Фарҳоддан кучли зарбаларни қабул қилишга мажбур бўлди ва очколар ҳисобида мағлубиятга учради.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# УСТА ЖОНПЎЛАТ

(Боши 1-бетда)

-Такка қолган бўлсак ҳам, якка қолганимиз йўқ, - деди уста Саид тоғанинг сўққабошлигига шаъма қилиб. Ҳозиржавобликдан Саид тоға ҳам завқ туйди.

-Сизга бас келиб бўлмайди, - деди у қўлини кўксига қўйиб.

Уста Жонпўлат айтилмайдиган тўй-маърака йўқ. Хушчақчақлик, қувноқлик, аскиябозлик давранинг файзи-да. Кўпчилик у кишига яқинроқ ўтиришни хоҳлайди. Уста Жонпўлат чойни чўзиб-чўзиб ичса-да, гапни лўнда-лўнда айтади.

-Уста, сал баландроқ бўлсин, – дея зорланади узоқроқ ўтириб қолганлар.

-Микрофон ишламай қўйганига ҳам иккиуч йил бўлди, - дейди уста ҳазил аралаш. "Гурр" этиб кулгу кўтарилади.

Уста Жонпўлатнинг ашаддий "рақиби" бир дўконда юзма-юз ишлайдиган шогирди уста Неъмат бўлади.

-Шу бола бетгачопарлигини ҳеч ташламаяпти, - дейди устанинг ўзи тан олиб.

-Қуш уясида кўрганини қилади-да, - дейди уста Неъмат ҳам бўш келмай.

Сартарошхонага ташриф буюрадиган мижозлар ўз-ўзидан иккига бўлинади. Катта ёшдагилар уста Жонпўлатга навбатга туришади. Ёшлар эса кўпроқ уста Неъматга "мойилроқ".

Бир куни хўжалик раиси Содиқ Қозоқов ҳам уста Жонпўлат томон бурилди. Уста дид билан ишлади. Жонпўлат ака бир кишининг соч-соқолини қиртишлагунича шогирд чаққон-чаққон ҳаракат қилиб 2-3 кишини жўнатаверди. Катта уста пинак бузмади. Неъмат ака қўли бўшаб, гап билан ҳужумга чоғланди.

-Уста, ярим соат ичида тўртта мижознинг савобини олдим. Сиз ҳали ҳам раис буванинг бошини уқалаб ўтирибсиз.

-Тўғри айтдинг Неъматжон, - деди уста Жонпўлат. – Бугун бизга бари мағизли "бош"лар келяпти. Биттаси тўрттанинг жавобини беришга қодир бундай бошларни ҳар қанча учратган арзийди, ука. Тўрттасини уддалаган бўлсанг ҳам, кафтингга-кафтингга уриб ўтирибсан. Ҳосилнинг "чўғи" пастроқ кўринади. Ҳозир аканнинг ҳосилини кўрасан.

Устаранинг тагида ўтирган Содиқ ака қаҳқаҳ уриб кулиб юборади.

-Э, ўлма, Жонпўлат, - дейди у хайрлашаётиб, - сенга тараф йўқ, ҳаққинг Неъматжоннинг тўртта мижози ҳаққига тенг.

Раис бува бир даста пулни уста Жонпўлатнинг киссасига қистириб кетади.

Бир куни ўта хасис, устига-устак тепакал киши сартарошхонага кириб келди ва юзланиб соқолини, сочини олишини айтди. Уста Неъмат бир зумда ишни битирди. Олти ойда бир сартарошхонага келадиган хасис кал хизмат ҳақи қанчалигини сўради. Уста Жонпўлат айтди. Хасиснинг юзи буришди.

-Телпакдек сочли бошга ҳам, тўрт дона сочи бор бошга ҳам бир хил нарх айтиш яхшимас, - деди у.

Уста Жонпўлат мулойим тушунтира кетди.

-Шудгорда юриш осонми, ойнадек яхмалакдами? Тўрт дона сочингни термалаб олгунча юрагимни ҳовучлаб турдим.

Хасис лом-мим дея олмади. Уста Жонпўлат шогирдига кўз-кўз қилиб калнинг сандиқдан чиққан, бели синмаган пулини олиб тортмасига ташлади.

Жуйрабодлик уста Жонпўлат ҳаёти бундай ичакузди, ҳангомаларга тўла.

Уста билан аскиябозлик қилишга ҳаддим сиғмади. Ўғил-қизлари ўзидан тинган, катта ҳовлининг соябони, қувноқлиги етти маҳаллага татийдиган уста Жонпўлат билан хайрлашувимиз ўз-ўзидан мутойибага айланди.

-Шу десанг, ўз ижодимдан мингга яқин ҳангома, латифаларим бор. Ҳаммаси элга оғзаки етиб борган. Бирортасини қоғозга туширмаганман. Газета-пазетада ҳам чиқмаган. Шуларни йиғиб, бир китобча қилсам, деган орзуим бор. Кўмагинг тегса керак? Китобдан келган даромадни арра қиламиз.

-Аввалдан арра тортишга уқувим йўқ, нима қиласиз "ғўла"га азоб бериб, - дедим ўзимни сал-пал "кўрсатгим" келиб.

Уста Жонпўлат "бинойисан-ку", дегандек каминага яқинроқ келди.

-Бўпти, биров эшитмасин, учини болта билан учирамиз, аммо илдизига тегмайсан, бола, - деди.

Завқ билан кулиб хайрлашдик.

**Дилмурод ЖАББОРОВ**




Б. АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

РАССОМ ХАНДАСИ




А.ХАКИМОВ чизган расм.

# "ОЙИЖОН, МЕНИ... ОЛИБ КЕТИНГ!"

***Шаҳар мактабларининг ўқувчилари дам олаётган оромгоҳ дарвозаси рўпарасида "Кино", деб ёзилган фургон машина келиб тўхтади ва ундан бири семиз-пакана, иккинчиси ориқ-новча киши тушиб келди.***

Оромгоҳ директори келганларни очиқ юз билан қарши олди:

-Хуш келибсизлар... Хизмат?

Ориқ гап бошлади:

-Мен кинорежиссёр Эргашев бўламан. Сизларга бир илтимос билан келгандик. Арзимаган...

-Бемалол, агар қўлимиздан келса.

-Умид қиламан... – директорнинг гапини бўлди режиссёр. – Биласизми, биз ҳу анови кўриниб турган ўрмонзорда фильм суратга олаётгандик. Сюжет ёмон эмас. Қисқаси, бир эпизод бизни сал қийнаб турибди. Бош ролни ўйнаётган болакай шу жойни сира чиқара олмаяпти. Дам олаётган болаларингиздан бирортаси ўйнаб бера олмасмикин шу ролни?

-Бор, бор! – жонланди директор.

Сўнг ўн ёшлар чамасидаги нимжонгина болани режиссёрга рўпара қилди. Хуллас, оромгоҳнинг энг сўлим жойида киноаппарат учоёққа ўрнатилиб, лавҳа суратга олинадиган бўлди.

-Анваржон! Тушундинг-а? Яна қайтараман, ўрмон, қоп-қоронғу, сен адашиб қолгансан, қўрқиб кетаётирсан... Айт, сира қўрққанмисан? Ҳаётингдаги энг қўрқинчли воқеани эсла! Сўнг, ойингни чақирасан, мана бундай қилиб: "Ойижо-о-он! Мени бу ердан олиб кетинг!" Тушундингми? – режиссёр болага қайта-қайта уқтирарди.

Анваржон эслади: оромгоҳга келган кунлари, ҳали чироқлар ўрнатилмаган экан - ҳамма ёқ қоп-қоронғу. Ётоқхонага кириб, ухлашга одам қўрқади. Лекин бош тарбиячи уларни ухлатгани мажбуран ётоқхонага ҳайдаб киритди. Қўлида хивич силкинади...

-Ойижо-о-он! – бирдан қичқириб юборди Анваржон ўша воқеани эслаб.

-Офарин! Қойил! – баравариға чапак чалиб юборишди режиссёр ва оператор. – Қани, яна бир қайтар, сўнг, суратга оламиз. Энди, фақат "Ойижон! Мени бу ердан олиб кетинг!" деб қичқир, тушундингми? Илтижоли қилиб... Янада қўрқинчлироқ воқеани эслай олмайсанми? Бир уриниб кўр-чи...

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Анваржон яна эслади: оромгоҳ директорининг оғайнилари бир куни кечқурун ҳашаматли машинада келишди-да, болаларнинг кўзи ўнгида роса маишат қилишди. Директор ва бош тарбиячи маст бўлгунча ичишиб, меҳмонлари билан муштлашиб кетишди! Ҳаммаларининг оғзи-буринлари қон, оромгоҳ боғи бўйлаб бир-бирларини қувлаб юришди. Болалар ҳар томонга тум-тарақай бўлиб кетишган. Меҳмонлардан бири отган бўш шиша Анваржоннинг белига "қарс" этиб тегди...

-Ойижо-о-он! – ўшандаги қаттиқ оғриқни эслаб қичқириб юборди Анваржон ва кўзларида ёш ҳалқаланди...

-Баракалла! Талантингга қойилман! Лекин, нега "Мени бу ердан олиб кетинг!" демаяпсан? Сўзлар эсингдан чиқаяптими? Қизиқ, сира қийин сўзлар эмас-ку, - деди режиссёр операторга ҳайронлигини яширмай қараб. Оператор ҳам ажабланиб, елка қисиб қўйди...

Анваржон ҳадиксираб, директор ва бош тарбиячига қаради. Директор томоқ қириб қўйиб, гапга аралашди:

-Илтимос, болани кўп қийнаманг... Ахир, биз унинг учун жавобгармиз. Жуда яхши чиқаяпти-ку! Қанча илтижо бор унинг... Шарт эмасдир, "Мени бу ердан олиб кетинг!" дейиши... Шундоқ ҳам тушунарли-ку.

-Бўлмаса, тўхтатамиз, - деди режиссёр директорнинг раъйига қарши боролмай. Сўнг Анварга юзланди. – Анваржон, мен сенга ваъда қилган эдим, ҳамма айтганингни қиламан, агар ролни яхши ижро этиб берсанг, деб. Айт, нима истайсан?

Анваржон индамай бошини эгди.

-Истайсанми, сени алоҳида видеокамерага суратга олиб, ота-онангга олиб бориб кўрсатаман? Улар сени анча соғинган бўлишлари керак... Қани, камера рўпарасида тур. Истаган гапингни уларга айт.

Анваржон режиссёрга ишонқирамай қаради:

-Амаки... истаган нарсамни ҳам айтсам бўлаверадими?

-Албатта! Истаганингни! Кўнглингда нима бўлса, шуни айт!

Анваржоннинг кўзлари яна жиққа ёшга тўлди ва камерага қараб илтижо қилди:

-Ойижо-о-он! Мени бу ердан олиб кети-и-и-нг!!!

Директор ва бош тарбиячи лабларини қаттиқ тишлашиб, бир-бирига қараб қолдилар. Режиссёр ва оператор эса қувончдан ҳайқириб юборишди:

-Худди сценарийдагидек! Чиқди! Чиқди! Ё, тавба! Талант! Ҳақиқий талант!

**Иброҳим ЧОРИЕВ**

Бош муҳаррир
Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони:
133-44-43,
136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи:
Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-721, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди:
Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz